

**Ўзбекистоннинг
озик-овқат ва
туризм соҳаларида
форсайт орқали
аниқланган айланма
иқтисодиётни
интеграциялаш
йўллари**



Эътироф

“Ўзбекистоннинг озиқ-овқат ва туризм соҳаларида айланма иқтисодиётни стратегик башоратлаш асосида интеграциялаш йўллари” ҳисоботи Европа Иттифоқининг SWITCH-Asia сиёсатини қўллаб-қувватлаш компоненти (PSC) номидан Дилмурод Абидов томонидан тайёрланган бўлиб, унда доктор Елена Музикинанинг форсайт бўйича ва Малхаз Адесишвилининг айланма иқтисодиёт бўйича ҳиссалари мавжуд. Ҳисобот SWITCH-Asia сиёсатини қўллаб-қувватлаш компоненти асосий мутахассиси Элоди Мария-Субе ва SWITCH-Asia сиёсатини қўллаб-қувватлаш компоненти жамоаси раҳбари доктор Зинаида Фадеева раҳбарлигида ёзилган.

SWITCH-Asia Дастури

© 2025 SWITCH-Asia

Масъулият доираси

Ушбу ҳужжатдаги маълумот ва тафсилотлар фақат муаллифларнинг масъулияти ҳисобланади ва Европа Иттифоқининг нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

Мундарижа

Қисқача маълумотнома	5
Кириш.....	7
Лойиҳанинг босқичлари	8
1 Босқич. Пойдевор яратиш.....	9
1. Ўзбекистоннинг туризм ривожланиш йўли	9
2. Экологик ва озиқ-овқат тизимидаги муаммолар	9
3. Туризм ва озиқ-овқат тизимларида вужудга келаётган айланма иқтисодиёт истиқболлари ..10	
2 Босқич. Форсайт-сессиялари: Ўзбекистон учун ривожланиш сценарийлари	15
1. Кириш.....	15
2. Ўзбекистонда 2040 йил туризм ривожланишининг эҳтимолий сценарийлари	18
3. Амалга ошириш хавф-хатарлари	23
3 Босқич. Туризм соҳасида олиб борилаётган сиёсатга оид тавсиялар.....	25
1-компонент. Бошқарув ва сиёсатни қўллаб-қувватлаш	25
2 компонент. Яшил инфратузилма ва сармоялар	26
3 компонент. Қиймат занжири ва ҳамжамият.....	26
4 компонент. Билим ва кўникмалар, инновациялар ва рақамлаштириш.....	27
5 компонент. Худудлаштириш.....	28
Хавф-хатарни камайтириш чора-тадбирларини жорий этиш.....	29
4 Босқич. Манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик.....	31
Атроф-муҳит нуқтаи назаридан	31
Туризм нуқтаи назаридан	31
Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан.....	32
Якуний хулосалар	33
А Илова. Манфаатдор томонлар билан ўтказилган суҳбатлардан олинган хулосалар	34

Жадваллар ва расмлар

1 Жадвал. Лойиҳанинг босқичлари.....	8
1-расм. Сценарий матрицаси намунаси	18
2 расм. Сценарий матрицаси: Ўзбекистон.....	19

Қисқартмалар ва акронимлар

ОТБ	Осиё Тараққиёт Банки
АИ	Айланма иқтисодиёт
МТУ	Маҳаллий туризм уюшмаси
ЕУ	Европа Иттифоқи
О&И	Озиқ-овқат ва ичимликлар
ННТ	Нодавлат нотижорат ташкилоти
КЎК	Кичик ва ўрта корхоналар
СТЕЕР	Ижтимоий, технологик, иқтисодий, экологик ва сиёсий

Қисқача маълумотнома

Марказий Осиёда озиқ-овқатга эътибор қаратган ҳолда туризм ва меҳмондўстлик секторида айланма иқтисодий стратегик прогноз қилиш лойиҳасининг Ўзбекистонга оид асосий натижалари барқарорликка сезиларли туртки берилаётгани билан бирга муҳим тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Манфаатдор томонлар, жумладан, меҳмонхона эгалари, туроператорлар ва нодавлат ташкилотлар (НТ) орасида айланма иқтисодий (АИ) тамойиллари нафақат экологик мажбурият, балки экологияга эътиборли сайёҳларни жалб қилиш ва узоқ муддатли фойда олиш учун бозор афзаллиги эканлиги ҳақида аниқ ва тобора ўсиб бораётган тушунча мавжуд.

Бу тушунча меҳмондўстлик соҳасида барқарор харид сиёсатини қабул қилиш, таом миқдорини яхшироқ назорат қилиш ва компостлаш орқали озиқ-овқат чиқиндиларини камайтириш бўйича фаол чоралар кўриш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия технологияларини, айниқса чекка сайёҳлик ҳудудларида жорий этиш каби амалий чора-тадбирларга айланмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукумати қулай норматив-ҳуқуқий муҳит яратди. Буни Президентнинг яшил туризмни ривожлантириш тўғрисидаги фармонлари, яшил инновацияларни молиявий субсидиялаш дастурлари ҳамда экологик меъёрларга мувофиқликни рағбатлантириш ва тасдиқлаш учун “Яшил белги” экомаркировка тизимининг жорий этилгани тасдиқлайди.

Ушбу ижобий омилларга қарамай, бир қатор тизимли муаммолар мамлакат туризм соҳасида кенг кўламли айланма моделга ўтишга тўсқинлик қилмоқда. Асосий тўсиқлар қаторига инвестициялар ва инфратузилманинг етишмаслиги туфайли қишлоқ жойларида АИ нинг заиф жорий этилиши, шунингдек, йирик туристик ҳудудларда чиқиндиларни бошқариш тизимларининг яхши мувофиқлаштирилмаганлиги киради. Кадрлар салоҳиятини оширишда сезиларли бўшлиқ мавжуд бўлиб, бу малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ва таълим дастурлари билан туризм саноатининг амалий эҳтиёжлари, хусусан, касб-ҳунар таълими ўртасидаги номувофиқлик билан белгиланади. Манфаатдор томонлар, шунингдек, мақсадли қўллаб-қувватлашни чеклайдиган агротуризм каби туризмнинг муқобил турлари учун расмий таърифларнинг йўқлиги каби ҳуқуқий ноаниқликларни ҳам таъкидладилар.

Ушбу ҳисоботда тасвирланган олдиндан кўра билиш жараёни Ўзбекистон туризми учун “Афзал кўрилган келажак”ни белгилаш билан яқунланди, иштирокчилар бир овоздан бунга “Мослашувчан ўзгаришлар” орқали эришиш кераклигини таъкидладилар. Ушбу қараш қулай инвестиция муҳитини яратиш, юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ва мустаҳкам сифат инфратузилмасини ривожлантиришга асосланган. Бу орзу қилинган келажак, аслида, туризм соҳасидан кенг кўламли айланма ёндашувларни фаол қўллашни талаб қилади, бу эса яшил ва иқлим молиялаштиришини кўпайтириш билан қўллаб-қувватланади. Бу йўналиш Ўзбекистоннинг барқарор ва юқори сифатли туризм йўналиши сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди, шу билан бирга мавжуд ресурслардан фойдаланиш ва эски муаммоларни ҳал қилиш учун доимий стратегик режалаштиришни талаб қилади.

Ушбу афзал кўрилган келажакка эришиш учун лойиҳанинг сиёсий тавсиялари институционал ва молиявий ислохотлар зарурлигини таъкидлайди. Ушбу ислохотлар АИ ни рағбатлантириш учун миллий қонунчилик базасини ишлаб чиқиш ва солиқ имтиёзлари ҳамда субсидиялар каби қулай солиқ муҳитини яратишни ўз ичига олади, бу хусусий секторни АИ тамойилларини амалга оширишга ундайди. Бундан ташқари, сиёсатчилар таълимни ислоҳ қилиш ва туризм, қишлоқ хўжалиги ҳамда чиқиндиларни бошқариш соҳаларида яхлит ўтиш мумкин бўлиши учун тармоқлараро ва ҳукуматлараро мувофиқлаштиришни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар яратиш орқали ички салоҳиятни ривожлантиришга эътибор қаратишлари керак.

Келажакка назар ташлар эканмиз, экспертлар экологик ва гастрономик туризмнинг сезиларли даражада ўсишини кутишмоқда, бу эса ўз навбатида маҳаллий, органик ва атроф-муҳитга кам таъсир кўрсатадиган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошишига олиб келади, бу туризм инфратузилмасида биоматериаллар ва эко-дизайннинг янада кенгроқ қўлланилиши билан бирга

келади. Охир-оқибат, АИ тамойилларининг муваффақиятли ва гуллаб-яшнаган интеграцияси кўп манфаатдор томонларнинг ҳамкорлигига боғлиқ бўлади. Айланма иқтисодиётга самарали ўтиш давлат идоралари, кичик ва ўрта корхоналар, таълим муассасалари ва кичик фермерлар ўртасида мувофиқлаштирилган ҳаракатларни талаб қилади, шунда ишлаб чиқариш барқарор туризм қиймат занжири билан боғланиши мумкин ва шу билан туризм ва меҳмондўстлик соҳасида инклюзив ўсишнинг тўлиқ салоҳиятини очади.

Кириш

Марказий Осиёда озиқ-овқатга эътибор қаратган ҳолда туризм ва меҳмондўстлик соҳасида айланма иқтисодиётни стратегик башорат қилиш лойиҳаси Европа Иттифоқи (ЕИ) томонидан молиялаштирилладиган SWITCH-Asia дастурининг бир қисмидир. Бу минтақада туризм, айланма иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги келажагини шъадаакклантиришда муҳим қадам ҳисобланади. Айланма иқтисодиётни рағбатлантириш ва барқарор амалиётларга ўтишни қўллаб-қувватлаш туризм ва меҳмондўстлик соҳаларида чиқиндилар ва ресурслар сарфини сезиларли даражада камайтиради. Тармоқлараро лойиҳа сифатида, айланма иқтисодиёт туризм соҳасида ресурслардан ҳозирда қандай фойдаланилаётгани ва келажакда қандай фойдаланилишига эътибор қаратади, бу эса соҳанинг янада барқарор ва самарали ривожланишига йўл очади.

Лойиҳа маҳаллий ва минтақавий мутахассислар, давлат ҳамкорлари ва турли манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда яхлит ёндашувдан фойдаланиб ишлаб чиқилди. Бундай ёндашув етарли даражада холис ва ишончли маълумотлар тўпланишини таъминлади. Лойиҳа уч босқичда амалга оширилди, уларнинг ҳар бири жараённинг пухталигини тасдиқлади. Биринчи босқич маълумот тўплаш воситаси ва форсайт сессиясига тайёргарлик босқичи сифатида турли суҳбатларни ўз ичига олди. Иккинчи босқич Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистонда SWITCH-Asia раҳбарлари, маҳаллий мутахассислар, ҳукумат вакиллари, тадбиркорлар, меҳмонхона эгалари ва туризм ҳамда агробизнеснинг бошқа манфаатдор томонларини бирлаштирган семинарлар туркумидан иборат бўлди. Машғулотларда янгилик ва узлуксизлик белгиларини, масалан, озиқ-овқат соҳасидаги янги тенденцияларни, шунингдек, соҳадаги муаммоларни аниқлашга ёрдам берадиган башорат воситаларидан фойдаланилди. Ушбу белгилар ва тенденциялар келажакдаги муқобил сценарийларни моделлаштириш ва туризм/меҳмондўстлик соҳасида ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам айланма иқтисодиётни жорий этиш бўйича ҳукуматнинг давом этаётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун кейинги ҳаракатларнинг асосий ғояларини аниқлашда қўлланилди. Иккинчи босқич натижаларига кўра турли тадбирларнинг сценарийлари ва андозалари ушбу ҳисоботга киритилган.

Учинчи босқичда лойиҳа жамоаси минтақада туризм ва меҳмондўстлик соҳасининг барқарор ривожланишини сезиларли даражада тезлаштириши мумкин бўлган сиёсий тавсияларни ишлаб чиқди. Ушбу тавсиялар айланма иқтисодиётни рағбатлантиришга қаратилган миллий қонунчилик базасини ишлаб чиқиш, айланма иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш учун хусусий сектор учун қулай солиқ муҳитини яратиш, ички салоҳият ва имкониятларни ривожлантиришга эътибор қаратиш, шунингдек, тармоқлараро ва ҳукуматлараро мувофиқлаштиришни рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратишни ўз ичига олади.

Лойиҳанинг босқичлари

1 Жадвал. Лойиҳанинг босқичлари

1 Босқич	2 Босқич	3 Босқич
Пойдевор яратиш	Форсайт сессиялари	Тавсиялар
<ul style="list-style-type: none">• Маълумотларни тўплаш• Суҳбатлар ўтказиш ва маълумотларни таҳлил қилиш• Расмий ҳужжатлар ва қонунчиликни ўрганиш	<ul style="list-style-type: none">• Марказий Осиёнинг тўртта республикаси• Келажак истиқболларини ўрганиш• Тенденция ва белгиларни баҳолаш• Сценарийлар режалаштириш• Мақбул келажакни барпо этиш	<ul style="list-style-type: none">• миллий қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш• Хусусий сектор учун қулай солиқ муҳитини шакллантириш• Хусусий ва давлат секторларида айланма иқтисодиёт тамойилларини татбиқ этиш• Ички салоҳият ва имкониятларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш• Тармоқлараро ва идоралараро ҳамкорликни рағбатлантириш учун зарур шароитларни яратиш

1 Босқич. Пойдевор яратиш

1. Ўзбекистоннинг туризм ривожланиш йўли

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг кўп аҳолига эга мамлакат ва минтақадаги асосий маданий таянчлардан бири ҳисобланади. 2017 йилда бошланган йирик иқтисодий ислохотлардан сўнг, мамлакат туризми иқтисодиётни диверсификация қилишнинг стратегик йўналиши сифатида белгилади. Мамлакатнинг бой мероси, жумладан Буюк Ипак йўли шаҳарлари Самарқанд, Бухоро ва Хива, турли хил ландшафтлар ва ортиб бораётган қулайликлар халқаро ва ички туризмнинг жадал ривожланишига имкон яратди.

Ҳукумат ислохотлари бу йўналишни бевосита қўллаб-қувватлади. 80 дан ортиқ мамлакатга визасиз режимнинг жорий этилиши, янги туризм инфратузилмасига инвестициялар киритилиши ва меҳмондўстлик хизматларининг модернизация қилиниши сайёҳлар ташрифининг кескин ошишига олиб келди. Хорижий сайёҳлар ташрифи 2017 йилдаги 2,7 миллиондан 2023 йилда 6,6 миллионга етди ва пандемиядан олдинги даражанинг 98 фоизини тиклади. “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” каби дастурлар доирасида ички туризм ҳам кенгайиб, 2023 йилда 21 миллиондан ортиқ минтақавий ташрифлар амалга оширилди.

Туризм соҳасида хусусий сектор иштироки фаоллашиб, сўнги олти йил ичида меҳмонхоналар сони 7 баробар ошди, меҳмон уйлари ва бутик-отеллар сони жадал кўпайди. Туроператорлар глобал тенденцияларга мос равишда ҳақиқий ва мазмунли саёҳатларга бўлган талабни инobatга олиб, тажрибага асосланган маҳсулотларни маданий, гастрономик, диний ва саргузашт туризмини тобора кўпроқ ишлаб чиқмоқдалар. Шу билан бирга, Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши озиқ-овқат тизимлари ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи билан чамбарчас боғланиб бормоқда. Гастрономик туризм кенгаймоқда, маҳаллий жамоалар хизмат кўрсатувчи провайдерлар сифатида фаол иштирок этмоқда, меҳмондўстлик сектори эса озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик истеъмолчисига айланмоқда. Туризм ва озиқ-овқат ўртасидаги бу ўзаро боғлиқлик барқарор ривожланиш учун ҳам имкониятлар, ҳам хавфларни келтириб чиқармоқда.

Соҳанинг жадал кенгайиши ва халқаро саёҳатчиларнинг ортиб бораётган талаблари эндиликда ресурсларни тежайдиган, барқарор ва экологик масъулиятли моделларга ўтишни тақозо этмоқда. Бу Ўзбекистон туризм келажагининг стратегик йўналиши сифатида айланма иқтисодиёт (АИ) амалиётларини жорий этиш учун замин яратмоқда.

2. Экологик ва озиқ-овқат тизимидаги муаммолар

Ижобий ислохотлар ва соҳанинг тез суръатларда ўсишига қарамай, Ўзбекистон туризм барқарорлигига тўғридан-тўғри таъсир этувчи экологик чекловлар ва озиқ-овқат тизимидаги самарасизликлар билан тўқнашмоқда.

2.1 Туризмга таъсир кўрсатувчи атроф-муҳит омиллари

Ўзбекистоннинг атроф-муҳити сўнги ўн йил ичида жиддий таъсирга учради. Бунга сув танқислиги, ерларнинг емирилиши ва Орол денгизи фожеасининг узоқ муддатли экологик оқибатлари киради. Туризм географик жиҳатдан кенгайиб бориши - йирик маданий марказлардан тоғ, чўл ва қишлоқ манзилларигача - маҳаллий экотизимларга бўлган босимни кучайтирмоқда. Асосий муаммолар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган жойларда, айниқса чиқиндиларни йиғиш инфратузилмаси етарли бўлмаган тарихий шаҳарлар ва табиий ҳудудларда чиқиндиларнинг тўпланиши;
- Сув ресурсларининг чекланганлиги, айниқса мавсумнинг энг қизгин пайтларида, бу ҳам меҳмонхона хўжалиги фаолиятига, ҳам қишлоқ хўжалиги таъминотчиларига таъсир кўрсатмоқда;

- Шаҳарларнинг кенгайиши ва саноат фаолияти билан боғлиқ ҳаво ва тупроқ ифлосланиши, бу эса сайёҳлик манзилларининг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин;
- Чикиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, айниқса йирик шаҳарлардан ташқарида.

Ушбу экологик босимлар ташриф буюрувчилар ва туризм операторлари учун тобора кўпроқ сезиларли бўлиб бормоқда, бу эса манзилларнинг жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, фаолият харажатларини оширмоқда.

2.2 Озиқ-овқат тизими самарасизлиги

Меҳмондўстлик фаолияти ва Ўзбекистоннинг маданий ўзига хослиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат тизимлари турли хил муаммоларга дуч келмоқда:

- сақлаш, логистика ва маҳсулотни қайта ишлаш амалиётларининг етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли ҳосилдан кейинги йўқотишларнинг юқори кўрсаткичлари
- меҳмонхона ва ресторанларда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишнинг самарасиз усуллари, бу ортиқча таъминот, озиқ-овқат исрофгарчилиги ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг тизимга тўлиқ қўшилмаганлигига олиб келмоқда
- бир марталик идиш-товоқларнинг кенг қўлланилиши ва муқобил вариантларнинг чекланганлиги, айниқса олиб кетадиган таомлар ва йирик тадбирлар учун
- айниқса қишлоқ туризми ҳудудларида озиқ-овқат чикиндиларини компостга ёки чорва озукасига айлантириш механизмларининг мавжуд эмаслиги
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва туризм эҳтиёжлари ўртасидаги номутаносиблик, органик, мавсумий ёки иқлимга чидамли экинлар учун сертификатлаштириш тизимининг етарли эмаслиги

Бу муаммолар Ўзбекистон туризмнинг узоқ муддатли барқарор ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда ва қишлоқ ҳудудларида маҳаллий қиймат яратиш имкониятларини чекламоқда.

2.3 Бошқарув ва салоҳиятдаги бўшлиқлар

Атроф-муҳит ва озиқ-овқат тизими муаммолари қуйидагилар туфайли янада мураккаблашади:

- турли соҳалар (туризм, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит ва коммунал хизматлар) ўртасидаги мувофиқлаштириш етарли эмаслиги;
- меҳмонхона ходимларининг барқарор фаолият ва айланма амалиётлар бўйича техник билим ва кўникмалари етишмаслиги;
- туризм қиймат занжирлари бўйлаб чикиндилар, ресурслардан фойдаланиш ва озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ҳақидаги маълумотларни тўплашда бўшлиқлар мавжудлиги;
- агротуризм каби туризмнинг муқобил шакллари учун ҳуқуқий таърифлар ва сиёсатнинг йўқлиги, бу эса мақсадли қўллаб-қувватлашни чеклайди;

Ушбу тизимли чекловлар туризмни ривожлантиришни айланма иқтисодиёт ва барқарор озиқ-овқат тизими тамойиллари билан уйғунлаштирадиган яхлит ёндашувга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

3. Туризм ва озиқ-овқат тизимларида вужудга келаётган айланма иқтисодиёт истиқболлари

Қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон туризм соҳасининг рақобатбардошлигини ошириш, атроф-муҳитни асраш ва маҳаллий озиқ-овқат тизимларини мустаҳкамлаш учун айланма иқтисодиёт моделларига ўтишда катта салоҳиятга эга.

3.1 Манфаатдор томонларнинг хабардорлиги ошиши ва бошлангич босқичда қабул қилиниши

Туроператорлар, меҳмонхона эгалари, нодавлат ташкилотлар ва ҳукумат вакиллари билан ўтказилган суҳбатлар АИ тамойиллари ҳақидаги хабардорлик тобора ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Манфаатдор томонлар ҳам экологик муаммолар, ҳам бозор афзалликларидан келиб чиқиб, тобора кўпроқ рағбатланмоқда. Ҳозирда қуйидаги айланма иқтисодиёт амалиётлари шаклланиб бормоқда:

- маҳаллий етказиб берувчилар ва энергия тежамкор маҳсулотларга устуворлик берадиган барқарор харид сиёсати
- Wyndham Garden Zomin каби меҳмонхоналарда порция назорати, меню режалаштириш ва компостлаш орқали озиқ-овқат чиқиндиларининг олдини олиш чоралари
- биологик парчаланувчи ва қайта ишланувчи материаллардан фойдаланиш, айниқса олиб кетиш хизматларида
- чекка туризм ҳудудларида қайта тикланувчи энергия технологиялари бўйича тажриба лойиҳалари
- “Яшил белги” (Грин Марк) сертификатлаш тизими каби экологик белгилаш ташаббуслари

Ушбу амалиётлар хусусий ва давлат секторларининг АИ ёндашувларини кенг кўламда жорий этишга тайёрлигини намоён этмоқда.

3.2 Айланма иқтисодиёт рақобатбардош устунлик сифатида

Глобал туризм бозорларида атроф-муҳитга кам таъсир кўрсатадиган саёҳатлар, ахлоқий истеъмол ва ҳақиқий маҳаллий таом тажрибаларига талаб тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг бой пазандачилик мероси ва қишлоқ туризмнинг катта салоҳияти қуйидаги имкониятларни яратади:

- меҳмонхоналар ва ресторанлар учун “даладан дастурхонга” таъминот занжирларини ривожлантириш
- мавсумий, органик ва маҳаллий маҳсулотлар асосида гастронмик туризмни кенгайтириш
- эко-уйлар, глампинг майдончалари ва модулли инфратузилма каби экологик жиҳатдан қулай туризм объектларини кўпайтириш
- қайта тўлдириладиган сув шохобчалари, кўп марта ишлатиладиган идишлар ва манзилларда чиқиндиларни компостлаш каби қайта фойдаланишга асосланган тизимларни жорий этиш

Айланма иқтисодиёт амалиётларини миллий туризм брендининг ажралмас қисми сифатида тақдим этиш орқали Ўзбекистон ўзини Марказий Осиёдаги барқарор туризм йўналиши сифатида намоён қилиши мумкин.

3.3 Яшил ўтишга қаратилган сиёсатнинг ривожланиш суръати

Президентнинг сўнгги фармонлари ва стратегиялари, жумладан “Ўзбекистон – 2030 стратегияси”¹ ҳамда чиқиндиларни бошқариш бўйича ислохотлар, ҳукуматнинг барқарорликка бўлган интилиши тобора кучайиб бораётганини кўрсатмоқда. Устувор йўналишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- чиқиндиларни камайтириш ва қайта ишлаш тизимларини кенгайтириш;
- қайта тикланадиган энергия манбаларини тарғиб қилиш;
- экологик стандартларни такомиллаштириш;
- озиқ-овқат хавфсизлиги ва сертификатлаш тизимларини такомиллаштириш.

Ушбу сиёсий ўзгаришлар айланма иқтисодиётни туризм ва озиқ-овқат тизимларига жорий этиш учун қулай шароитларни яратмоқда.

1 https://gov.uz/en/pages/2030_strategy

3.4 Ўтиш жараёнини шакллантириш воситаси сифатида истиқболни кўра билиш

Туризм ва меҳмондўстлик соҳаси айланма амалиётларни қабул қилишга тайёрлиги ҳамда ўсиб бораётган сиёсий қўллаб-қувватлаш Ўзбекистонга иқтисодий рақобатбардош, экологик ва барқарор озиқ-овқат тизимларига асосланган туризмни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли истиқболни кўзлаш имконини беради.

Ушбу лойиҳа доирасида ўтказилган форсайт жараёни манфаатдор томонларга муқобил келажак вариантларини ўрганиш ва айланма иқтисодиётга ўтиш учун муҳим нуқталарни аниқлашга ёрдам берди. Суҳбатлар ва семинарлардан олинган маълумотлар асосида инвестиция муҳити ва мамлакатнинг экологик ҳолати каби келажак сценарийларини шакллантирадиган асосий омиллар аниқланди.

Суҳбатлар, семинарлар ва манфаатдор томонларни жалб этган ҳолда туризмни ривожлантириш сценарийларини режалаштириш босқичлари орқали форсайт жараёни Ўзбекистоннинг ривожланаётган туризм соҳасида янада барқарор, айланма ва инклюзив ўсишни таъминлаш учун маҳаллий шароитга мос сиёсат тавсияларини ишлаб чиқишга кўмаклашди.

4. Суҳбатлар ўтказиш, маълумотларни йиғиш ва таҳлил этиш

Марказий Осиёда озиқ-овқатга эътибор қаратган ҳолда туризм ва меҳмондўстлик соҳасида айланма иқтисодиётни стратегик прогностлаш лойиҳаси доирасидаги сўровнома учун 2024 йил декабрдан 2025 йил февралгача Ўзбекистонда бир қатор суҳбатлар ўтказилди. Суҳбатларда туризм, меҳмондўстлик ва озиқ-овқат тизимлари билан боғлиқ давлат идоралари, халқаро ташкилотлар, хусусий сектор вакиллари ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг асосий манфаатдор томонларини ифодаловчи турли соҳа мутахассислари иштирок этди.

Иштирокчилар орасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат хавфсизлиги агентлиги, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигининг экспертлари ҳамда юқори лавозимли вакиллари бўлиб, улар “яшил” ва айланма амалиётларга оид сиёсат асослари ва стандартлари ҳақида маълумот бердилар.

Меҳмонхона ва меҳмондўстлик сектори ҳақидаги маълумотларни Whyndham Жиззах меҳмонхонасининг озиқ-овқат ва ичимликлар (О&И) бўйича менежери тақдим этди. Жамоатчиликка йўналтирилган ва экологик нуқтаи назарлар эса EcologUz, Ecomaktab ва “Яшил қурилиш” каби нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан билдирилди. Ҳамжамиятга асосланган туризм (ҲАТ) уюшмаси ҳам барқарор туризмни қўллаб-қувватловчи маҳаллий ва минтақавий даражадаги амалиётларни таъкидлаб, ўз ҳиссасини қўшди.

Кенг доирадаги манфаатдор томонларни жалб этиш Ўзбекистоннинг туризм ва меҳмондўстлик соҳасига, хусусан, озиқ-овқат тизимларига нисбатан айланма иқтисодиёт тамойилларини жорий этишнинг жорий амалиёти, муаммолари ва имкониятларини ҳар томонлама тушуниш имконини берди. Бундан ташқари, барқарор туризм ва меҳмондўстлик соҳаси билан боғлиқ мавжуд меъёрий-ҳуқуқий база ва тегишли дастурий ҳужжатларни ўрганиш мақсадида тадқиқот лойиҳаси амалга оширилди.

Ўзбекистонда туризм ва озиқ-овқат соҳасидаги айланма иқтисодиёт бўйича суҳбат таҳлили

1. АИ тамойиллари тўғрисидаги хабардорликнинг ўсиши ва уларни қўллашнинг кенгайиши

Интервью натижалари манфаатдор томонлар, айниқса туроператорлар, меҳмондўстлик хизмати кўрсатувчилар ва нодавлат ташкилотлар орасида барқарор амалиётларнинг зарурлиги ҳақидаги аниқ ва тобора кучайиб бораётган тушунчани кўрсатмоқда. Чиқиндиларни камайтириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш каби айланма иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш нафақат экологик зарурат, балки бозордаги устунлик сифатида ҳам тобора кўпроқ тан олинмоқда. Advantour ва Aral Sea Discovery каби туроператорлар экологияга эътиборли саёҳатчиларни жалб қилиш, харажатларни камайтириш ва рақобатбардош бозорда ўзига хос ўрин эгаллаш учун ўз хизматларини айланма иқтисодиёт қадриятларига мослаштирмоқдалар.

2. Меҳмонхона ва туризм соҳасидаги амалий чора-тадбирлар ва янгиликлар

Суҳбат ўтказилган респондентлар туризм ва меҳмондўстлик соҳаларида қуйидаги чора-тадбирлар ва амалиётлар тобора кенг қўлланилаётганини таъкидладилар:

- Барқарор харид қилиш асосий амалиётга айланмоқда: Операторлар энергия самарадорлиги ва чиқиндиларни камайтиришга устуворлик берадиган таъминотчилар ва яшаш жойларини танламоқдалар.
- Озиқ-овқат чиқиндиларини камайтириш Wyndham Garden Zomin каби меҳмонхоналарда кузатилганидек, порцияларни яхшироқ назорат қилиш, компостлаш ва меню режалаштириш орқали амалга оширилмоқда.
- Қайта тикланадиган энергия технологиялари ва биологик парчаланувчи материаллар, айниқса, чекка сайёҳлик ҳудудларида тарғиб этилмоқда.
- Экологик дизайн ва қайта ишланган материаллардан фойдаланиш кенгаймоқда, бироқ молиялаштириш ва салоҳиятдаги бўшлиқлар туфайли кенг миқёсда жорий этиш ҳамон муаммолигича қолмоқда.

3. Тадбиркорлик уюшмалари ва фуқаролик жамиятининг ўрни

Бизнес уюшмалари айланма иқтисодиёт амалиётларини қўллаб-қувватловчи куч сифатида пайдо бўлмоқда. Уларнинг фаолиятига қуйидагилар киради:

- чиқиндиларни бошқариш ва энергия тежовчи технологиялар бўйича тренингларни ташкил этиш;
- озиқ-овқат чиқиндиларини компостлаш ва чиқиндиларни алоҳида йиғишни тарғиб қилиш;
- корхоналар ўртасида тажриба алмашишни рағбатлантириш: Eco Мактаб ва EcologUz каби нодавлат нотижорат ташкилотлари кўпинча грантлар ёки ҳомийлик дастурлари орқали молиялаштириладиган пилот лойиҳалар ва хабардорлик кампанияларини қўллаб-қувватламоқда. Уларнинг давлат идоралари ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлиги сиёсатга таъсир ўтказиш ва жамият хулқ-атворини ўзгартириш учун катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатмоқда.

4. Таълим ва салоҳиятни ривожлантиришдаги камчиликлар

Манфаатдор томонлар туризм ва меҳмондўстлик соҳасида малакали ходимлар етишмаслиги ва амалий таълим имкониятлари чекланганлигини мунтазам равишда таъкидлаб келишган. Таълим дастурлари, айниқса, касб-ҳунар таълимида соҳа эҳтиёжларига мос келмаслиги аниқланди. Суҳбатдошлар қуйидагиларни тавсия этишди:

- назарий таълимни амалий тажриба билан уйғунлаштирувчи дуал таълим моделлари
- барқарорлик ва айлана иқтисодиёт стандартларига мослаштирилган замонавий ўқув дастурлари
- мавжуд ходимларни сертификатлаш ва уларнинг касбий ривожланишини таъминлаш

5. Келажакка оид кутилмалар ва йўналишлар

Мутахассислар башорат қилмоқдаки:

- маҳаллий, органик ва атроф-муҳитга кам таъсир кўрсатадиган озиқ-овқат тажрибаларига бўлган талабнинг ортиши натижасида экотуризм ва гастрономик туризмнинг ривожланиши
- туризм инфратузилмасида биоматериаллар, қайта ишланадиган ўрамлар ва экологик дизайндан кенг фойдаланиш
- экологик муаммоларни ҳал этиш учун бизнес ва давлат идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг кучайиши
- сайёҳлар хулқ-атворининг барқарорликка йўналишини акс эттирувчи, улар учун экологик таълимга эътиборнинг тобора ортиб бориши

6. Сиёсат ва институционал ривожланиш

Интервьюларда қуйидаги бир нечта қўллаб-қувватловчи сиёсат воситалари тилга олинди:

- “яшил” туризм, чиқиндиларни камайтириш ва айланма иқтисодиётни молиялаштириш бўйича махсус фармонлар
- туризм корхоналарида “яшил” инновацияларни ривожлантириш учун субсидия дастурлари ва имтиёзли кредитлар
- атроф-муҳит талабларига риоя этишни кўрсатиш ва яшил амалиётларни рағбатлантириш мақсадида жорий этилган “Яшил Белги” каби экологик маркировка тизимлари

Бироқ, манфаатдор томонлар қонунчилик базасида туризмнинг муқобил турлари (масалан, агротуризм) учун расмий таърифлар мавжуд эмаслигини таъкидладилар. Бу эса мақсадли қўллаб-қувватлаш ва баҳолашни чеклайди.

7. Секторлараро ҳамкорлик ва тизимли фикрлаш

Такрорланувчи мавзу - яхлит, кўп томонлама ҳамкорликнинг зарурлиги. Самарали доиравий ўтиш қуйидагиларни талаб этади:

- ҳукумат, кичик ва ўрта корхоналар ҳамда таълим муассасалари ўртасидаги мувофиқлаштириш ҳаракатлари
- кичик фермер ва ишлаб чиқарувчиларни туризм қиймат занжири билан боғлаш учун қўллаб-қувватлаш чораларини
- барқарор озиқ-овқат ва туризм тизимлари орқали ҳам иқтисодий барқарорлик, ҳам маданий яхлитликни таъминловчи инклюзив ёндашувларни

8. Аниқланган муҳим муаммолар

- Инвестициялар ва инфратузилманинг етишмаслиги сабабли қишлоқ жойларда айланма иқтисодиёт суст жорий этилмоқда.
- Сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган ҳудудларда чиқиндиларни бошқариш яхши йўлга қўйилмаган.
- Таълим соҳасидаги ҳамкорликда иш берувчиларнинг иштироки чекланган даражада қолмоқда.
- Барқарорлик натижалари ва тараққиётини кузатиш учун маълумотлар тўплашда ҳамон камчиликлар мавжуд.

Хулоса

Ўзбекистондаги манфаатдор томонлар билан ўтказилган суҳбатлар туризм ва озиқ-овқат соҳаларида айланма иқтисодиёт тамойилларини жорий этишда кучли интилиш мавжудлигини кўрсатмоқда. Муҳим сиёсий ва маҳаллий ташаббуслар амалга оширилаётган бўлса-да, саъй-ҳаракатларни кенгайтириш ва тизимлаштириш, айниқса, такомиллаштирилган қонунчилик асослари, таълим, молиялаштириш механизмлари ва манфаатдор томонлар ўртасидаги ҳамкорлик орқали мамлакатда барқарор туризмнинг тўлиқ салоҳиятини рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

2 Босқич. Форсайт-сессиялари: Ўзбекистон учун ривожланиш сценарийлари

1. Кириш

Мураккаблик, тартибсизлик ва зиддиятлар ҳукмрон бўлган доимий ўзгарувчан дунёда ноаниқликка мослашиш ва тартибсизликда яшашни ўрганиш жуда муҳимдир. Бу мураккаб вазифани бажаришда ёрдам берадиган воситалардан бири форсайт бўлиб, у XX аср ўрталаридан бошлаб дунёнинг кўплаб мамлакатлари томонидан қўлланилган. Сўнгги пайтларда у Марказий Осиё мамлакатларига ҳам кириб келмоқда.

Форсайт - келажак ҳақида тизимли ва тартибли фикрлаш жараёни бўлиб, у бизга ўзгаришларни олдиндан кўриш ва уларга яхшироқ тайёргарлик кўришга ёрдам беради. Бу жараён юзага келиши мумкин бўлган турли хил истиқболларни ўрганишга, улар келтириб чиқариши мумкин бўлган имкониятлар ва қийинчиликларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолашга қаратилган. Башорат қилиш асосли қарорлар қабул қилиш ва энг мақбул ҳаракат йўналишини белгилаш учун муҳимдир.

Савол: 2040 йилда Марказий Осиёда озиқ-овқат секторига йўналтирилган туризмда айланма иқтисодиёт қандай кўринишга эга бўлади? Нима ўзгаради ва нима ўзгармай қолади? Ўзгариш кучлари қандай бўлишидан қатъи назар, биз соҳа вакиллари сифатида ўзгаришларга тайёргарлик кўриш ёки ўзгаришларни имкон қадар яхшилаш учун зарур кучларни шакллантириш учун бирор нарса қила оламизми? Саъй-ҳаракатларимиз ва ресурсларимиз тўғри йўналишга қаратилганми ёки инновацияларга ўрин борми?

Айнан шу саволлар ушбу лойиҳанинг форсайт компонентини ишлаб чиқишга туртки бўлди. Ушбу босқичдаги тадбирлар ташкилотларга ўзгарувчан ташқи муҳит ҳақида хабардорлигини оширишга ва шу орқали ноаниқ шароитда ўз мақсадларига эришиш учун фаолиятларини нимага қаратиш кераклигини аниқлашга ёрдам бериш учун мўлжалланган.

Ушбу лойиҳага форсайт компонентини киритиш орқали қуйидагиларга эришиш кўзланди:

- ўзгаришлар йўналишини яхшироқ тушуниш
- туризм ва озиқ-овқат саноатида айланма иқтисодиёт учун мумкин бўлган истиқболларни тасаввур қилиш
- бизнес, фуқаролик жамияти ва сиёсатчилар бирлашадиган афзал келажак тасвирини яратиш
- тизим бўйлаб иштирокчилар ҳаракатни бошлаши мумкин бўлган ўзгаришлар учун муҳим кириш нуқталарини аниқлаш

Лойиҳанинг форсайт босқичи, шунингдек, стратегия, сиёсат ва инновациялар ҳақида янгича фикрлашни ривожлантириш учун платформа яратди, семинар иштирокчиларига ўзлари кўрмоқчи бўлган келажакни янада онгли равишда шакллантириш учун ҳозирда нима қилишлари мумкинлиги ҳақида маълумот берди. Жараён қуйидагиларни ўз ичига олди:

- мавжуд тахминларга шубҳа билан қараш
- кутилмаган ҳодисалардан қочиш ва эҳтимолий таҳдидларни олдиндан кўра билиш
- янги истиқболларни яратиш
- режалаштириш қамровини кенгайтириш
- ўзгаришлар ҳақида янги ғоялар яратиш ва улар атрофида манфаатдор томонларни бирлаштириш.

Сценарийларни режалаштириш бутун дунё бўйлаб ташкилотлар ва корхоналар томонидан қўлланиладиган машҳур восита бўлиб, ноаниқ, мураккаб ва тез ўзгарувчан муҳитларда айниқса самарали ҳисобланади. Бу ташкилотларга ўз стратегияларини потенциал келажакка нисбатан

баҳолаш, яқинда қабул қилинган қарорларнинг таъсирини ўрганиш ва кутилмаган ҳодисаларга тайёргарликни ошириш имконини беради. Сценарийларни режалаштириш жамоаларни чизиқли, ягона келажак ғоясидан ташқарига чиқишга, мураккаб муаммоларга дуч келишга ва пировардида ўзимиз хоҳлаган келажакни шакллантиришга ундайди. Ноаниқликларга тўла дунёда сценарийларни режалаштириш одамларга олдинда турган кутилмаган қийинчиликларни енгиб ўтишда йўл кўрсатувчи ва ёрдам берувчи компас вазифасини бажаради.

Сценарий асосида режалаштириш нима?

Сценарийлар:

- келажак ноаниқлигини ўзларининг бошланғич нуқтаси сифатида қабул қилади
- тенденциялар ва келажак ҳақидаги бошқа билим шакллари билан биргаликда ишлайди
- бир нечта мумкин бўлган келажак учун истиқболни очади

Сценарийлар келажакни башорат қилмайди, лекин уни шакллантириш ва қуришга ёрдам беради.

Шуни ёдда тутиш керакки, келажак ягона ёки олдиндан белгиланган эмас. Сценарийларни режалаштириш фақат энг яхши ва энг ёмон натижаларни кўриб чиқиш билан чекланмасдан, бир нечта мумкин бўлган келажакни тасаввур қилиш имконини беради. Воқелик камдан-кам ҳолларда кутилмаларга тўлиқ мос келгани сабабли, сценарий тузиш турли имкониятларни ўрганиш ва эҳтимолий хатоларни камайтириш учун зарур жараёнга айланади.

Сценарийларни режалаштириш ҳар қандай ташкилот ва бизнесга қуйидаги кўплаб фойда келтириши мумкин:

- Потенциал хавфларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг самарали стратегияларини ишлаб чиқиш орқали хавфларни бошқариш жараёнини такомиллаштириш, барқарорликни таъминлаш.
- Қарор қабул қилишни яхшилаш, чунки маълумотларга асосланган тушунчалар раҳбарларга узоқ муддатли мақсадларга мос келадиган ишончли қарорлар қабул қилиш имконини беради.
- Мослашувчанлик ва эгилувчанликни таъминлаш, чунки бу ёндашув фаол фикрлашни рағбатлантиради, ташқи ўзгаришларга жавобан стратегияларни тезда ўзгартириш имконини яратади.
- Инновациялар учун ресурсларни очиш: сценарийларни режалаштириш турли хил келажак имкониятларини ўрганиш орқали муаммоларни ижодий ҳал қилишни рағбатлантиради.
- Барқарор рақобат устунлигини таъминлаш, чунки потенциал келажакни тушуниш ташкилотларга камроқ мослашувчан рақобатчилар устидан устунликка эришиш имконини беради.

Кўпчилик стратегик ва режалаштириш ёндашувларидан фарқли ўлароқ, сценарий тафаккури мослашувчанлик маданиятини шакллантиради. Иштирокчилар сценарийни режалаштириш жараёнидан ўз ташкилотларининг кундалик фаолият муҳитини эмас, балки дунё манзарасини (ташқи, контекстуал муҳитни) яратиш учун фойдаланадилар. Кейин сценарийлар ушбу ташқи муҳитдаги ўзгаришлар ташкилотга бевосита ёки билвосита қандай таъсир қилишини кўриб чиқиш учун ишлатилади ва уни ҳар қандай мумкин бўлган ўзгаришларга мослашишга тайёрлайди.

Сценарийларни режалаштиришнинг турли усуллари мавжуд. Ҳар бир сценарийни моделлаштириш машқи тенденциялар ва янги сигналларни тушунишдан бошланади.

Тенденцияларни фаолият, жараёнлар ва тасаввурларнинг кенг доирасига таъсир кўрсатадиган ижтимоий, иқтисодий, технологик, экологик ва сиёсий шароитларнинг кенг кўламли, узоқ муддатли ўзгаришлари сифатида таърифлаш мумкин. Аслида, тренд - бу вақт ўтиши билан содир бўладиган

тарихий ўзгариш, бу ҳозирги ўзгаришни ҳаракатга келтирувчи ҳодиса ёки омилдир. Ноёб металллар нархининг ошиши ёки iPhone фойдаланувчилари сонининг кўпайиши бунга мисол бўла олади. Тренд маълумотларини топиш осон, чунки мутахассислар, статистика, ҳисоботлар ва интернет уларни бир зумда тақдим этиши мумкин; улар кўпинча осон топилади ва кенг қабул қилинади.

Бошқа томондан, пайдо бўлаётган сигналларни аниқлаш анча қийин.

Пайдо бўлаётган белгилар ҳозирда фақат қисман маълумот мавжуд бўлган ҳодисалар сифатида таърифланади. Бу сигналлар эҳтимоллиги паст, бироқ таъсири кучли бўлиши мумкин. Пайдо бўлаётган сигналларга янги технологиялар, давлат сиёсатидаги потенциал масалалар ёки янги ғоялар мисол бўла олади. Бугун четда турган мавзу келажакда муҳим асосий масала ёки етакчи тенденцияга айланиши мумкин; масалан, роботларнинг фуқаролик ҳуқуқлари пайдо бўлаётган сигнал бўлиши мумкин. Бундай сигналлар ҳақида маълумот жуда оз ёки умуман йўқ. Улар кенг муҳокама қилинмайди ва жамоатчилик муҳокамасининг бир қисми эмас.

Хулоса қилиб айтганда, тенденциялар ва пайдо бўлаётган белгилар сценарийлар тузиш учун асос бўлади.

Сценарий режалаштириш жараёнини бошлаш учун, аввало, аниқ мавзу ва йўналиш танланиши лозим.

“Марказий Осиёда озиқ-овқатга эътибор қаратган ҳолда туризм ва меҳмондўстлик соҳасида айланма иқтисодиёт учун стратегик истиқбол” номли ушбу тадқиқот айланма иқтисодиёт ва унинг туризм ҳамда озиқ-овқат саноатига интеграцияси ҳақида аниқ маълумот беради.

Кейинги босқич мавзуга таъсир кўрсатадиган асосий тенденцияларни санаб ўтишдир. Тренд таҳлилида одатда STEEP (ижтимоий, технологик, иқтисодий, экологик ва сиёсий) усули қўлланилади. Бу усул тенденцияларни саралашнинг энг кенг тарқалган ва самарали асоси ҳисобланади ҳамда турли соҳалардаги тенденцияларни кўриб чиқиш имконини беради. Ҳар бир STEEP тоифаси камида 5-10 та тенденцияни ўз ичига олиши керак.

Таҳлил ғайриоддий жойларни қидириш ва турли соҳалардаги маълумотларни топишни талаб қилади. Бу жараён илмдан кўра кўпроқ санъатга ўхшайди ва мақсад “келажакни башорат қилиш” эмас, балки маълум таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳодисаларни “аниқлаш”дир. Пайдо бўлаётган барча сигналлар ҳам тенденцияга айланавермайди. Улардан фойдаланишдан мақсад фикрлашимизни синаш ва билимдаги кўр нуқталарни аниқлашдир. STEEP таҳлил усули, шунингдек, пайдо бўлаётган сигналларни излаш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Instagram, Twitter ёки Facebook каби ижтимоий тармоқлар бундай сигналларни топиш манбалари бўлиши мумкин. Одатда, ҳар бир STEEP тоифасида 2-3 та янги сигнал топиш кифоя. **Ўзбекистонда ўтказилган семинар иштирокчилари 55 дан ортиқ тенденция ва янги сигналларни аниқлашган.**

Кейинги босқич сценарий режалаштириш жараёнига ўтишдир. Сценарий тузишнинг мақбул усулини танлаш мавзуга ҳамда тенденциялар ва пайдо бўлаётган сигналлар таҳлили натижаларига боғлиқ.

Энг машҳур усуллардан бири 2x2 матрицасидир.

Бу усулнинг афзаллиги унинг соддалигидадир. Кўп ҳолларда махсус тайёргарлик талаб этилмайди. Иштирокчилар семинарга ўз ғоялари, билимлари ва тажрибалари билан келишади ва ҳеч қандай олдиндан кўра билиш тажрибасига эга бўлмаса ҳам ишлашни бошлашади. Жараённинг муваффақияти қисқа вақт ичида бир-бирига қарама-қарши сценарийларни осон яратиш имконияти билан изоҳланади.

Бу усул ўрганилаётган муаммонинг келажакига таъсир қилувчи иккита омилни (шунингдек, ноаниқликлар ёки ҳаракатлантирувчи кучлар деб аталадиган) икки ўққа жойлаштириш орқали маълум бир соҳага тегишли тўрттагача сценарий яратишга ёрдам беради. Улар кесишиб, тўртта чорак ҳосил қилади. Ноаниқликларни тўғри танлаш учун семинар иштирокчилари STEEP таҳлили

натижаларини, яъни биргаликда ҳаракатлантирувчи кучлар деб аташ мумкин бўлган тенденциялар ва пайдо бўлаётган сигналларни баҳолайдилар. Баъзи кучлар, масалан, демография, нисбатан аниқ ёки башорат қилиш мумкин. Бошқалари, масалан, жамоатчилик фикри жуда ноаниқ. Семинар иштирокчилари ҳар бир тенденция ёки янги сигналнинг кўриб чиқиляётган мавзу учун аҳамиятини муҳокама қиладилар. Иккитадан ортиқ ноаниқликлар аниқланганда, 2x2 матрица икки ёки ундан ортиқ ноаниқликларни мураккаб графикка бирлаштиришни талаб қилади (2-расмга қаранг).



1-расм. Сценарий матрицаси намунаси

2. Ўзбекистонда 2040 йил туризм ривожланишининг эҳтимолий сценарийлари

Ўзбекистонда ўтказилган келажакни кўра билиш сессиялари ҳукумат вакиллари, хусусий сектор фаоллари, маҳаллий мутахассислар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва меҳмондўстлик хизмати кўрсатувчи ташкилотларни бир жойга тўплади. Улар 2040 йилга бориб туризм, айланма иқтисодиёт амалиётлари ва озиқ-овқат тизимлари қай тарзда ривожланиши мумкинлигини тадқиқ этишди. Келажакни кўра билиш ва суҳбатлар орқали аниқланган тенденциялар ҳамда янги белгилардан фойдаланган ҳолда, иштирокчилар турли хил келажак сценарийларини ўрганиб чиқдилар ва туризм соҳаси учун имкониятлар ҳамда заиф томонларни баҳоладилар. Мақсад барқарор тараққиёт, чидамлилик ва иқтисодий хилма-хиллик бўйича миллий устуворликлар билан уйғунлашган эҳтимолий ривожланиш йўналишларини ва афзал кўрилган келажакни аниқлаш эди.

Ўзбекистондаги ушбу сессиялар давомида иштирокчилар келгуси сценарийларни ишлаб чиқиш учун «2x2 Матрица» усулидан фойдаланиб, рўйхатдаги омиллардан иккита асосий ноаниқликни танладилар. Уларнинг фикрига кўра, технологик ва экологик омиллар туризм соҳасининг кейинги ривожланишига энг катта таъсир кўрсатади. Шу соҳалардан инвестиция муҳити ва экологик шароитлар танлаб олинди.

Инвестиция муҳити

Хорижий ва ички инвестициялар туризм соҳасининг инфратузилмани модернизация қилиш, айланма иқтисодиёт технологияларини жорий этиш, яшил молиялаштиришни кенгайтириш ва таъминот занжирларини мустаҳкамлаш қобилиятини бевосита белгилайди. Инвестицион муҳитнинг заиф бўлиши модернизация жараёнини чеклайди, соҳани чизиқли моделларга қарамликда қолдиради ва атроф-муҳитга бўлган босимни янада кучайтиради.

Атроф муҳитнинг ҳолати

Атроф-муҳит сифати — ҳаво, сув, тупроқ ва биологик хилма-хиллик — туризм жозибadorлиги ва озиқ-овқат тизимининг барқарорлиги учун асосий аҳамиятга эга. Соғлом атроф-муҳит шароитлари қисқа озиқ-овқат етказиб бериш занжири, компостлаш ва материалларни қайта ишлаш каби айланма иқтисодиёт моделларини қўллаб-қувватлайди. Ёмонлашган шароитлар эса ҳам туризмнинг рақобатбардошлигига, ҳам айланма амалиётларнинг экологик асосларига салбий таъсир кўрсатади.

Куйидаги матрица олинди (2-расм).

СОҒЛОМ ЭКОЛОГИЯ



2 расм. Сценарий матрицаси: Ўзбекистон

Ҳар бир квадрат диаграммасининг асосий нуқталаридан фойдаланиб, ҳикоя қаҳрамонлари, аниқланган тенденциялар ва пайдо бўлаётган белгиларни ўз ичига олган батафсил сценарийлар ишлаб чиқилди. Семинар иштирокчилари ҳаракатлантирувчи кучлар ўртасидаги алоқалар ва ўзаро таъсирларни ўрганиб, воқеаларни хариталаштирдилар ҳамда сценарийнинг якуний нуқтасига олиб борадиган ҳикояни яратдилар. Ушбу босқичда қўйилган ягона чекловлар сценарий ичидаги мантиқий изчиллик, марказий мавзуга алоқадорлик ва ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучларига (тўғридан-тўғри ёки билвосита) мурожаат қилиш эди. Қуйидаги сценарийлар ана шу яхлит ёндашувни акс эттиради..

1 1 – Сценарий. Ёшларга ишонч билдириш

Ўтган йилларда чиқиндиларни тозалаш иншоотлари, ҳавони филтрлаш тизимлари ва чиқиндиларни камайтириш тизимларига киритилган сармоялар минтақа атроф-муҳитининг сезиларли даражада яхшиланишига олиб келди. Бу экологик ўзгариш чуқур ижтимоий ривожланишнинг туртки бўлди, чунки энди мамлакат ички инфратузилмани ривожлантиришга эътибор қаратиши мумкин эди. Илгари инқирозга юз тутган соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари катта жонланишни бошдан кечирди.

Ёш мутахассислар агросаноат, озиқ-овқат ва туризм соҳаларида турли муаммоларни ҳал қилмоқда ва янгича ечимларни таклиф этмоқда. Бу янги мутахассислар мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги салоҳиятини ошириш, “пахта ўтмиши” туфайли унумдорлиги пасайган тупроқни қайта тиклаш, анъанавий ўзбек миллий таомларида ишлатиладиган ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги турларини яратиш учун нафақат молиявий маблағлардан, балки хорижий тажрибадан ҳам фаол фойдаланмоқда. Ҳозирда миллий таомлар республика иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бирига айланди, чунки сайёҳлар оқими йилига 20 миллион кишигача кўпайди.

Туризм соҳасидаги ёш мутахассислар янги йўналишларни очмоқда. Улар нафақат анъанавий экскурсия хизматларини, балки квестлар, оилавий таълим саёҳатлари ва ёшлар оромгоҳлари орқали одамларга мамлакат ва минтақа тарихини ғайриоддий тарзда таништиришни таклиф қилмоқда. Ёшлар томонидан амалга оширилаётган экологик ва айланма иқтисодиёт ташаббусларини ҳукумат кенг қўллаб-қувватламоқда, чунки булар мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрўсини мустаҳкамлайди. Турли чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлашнинг замонавий технологиялари тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Туристлик объектлар, кафе ва ресторанларда ихчам қурилмалар кенг фойдаланилмоқда, бу эса уларнинг эгаларига сезиларли даромад келтирмоқда. Туризм бизнеси нафақат ўзини ўзи таъминламоқда, балки Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 20 фоизигача улушини ташкил этмоқда.

2 2-Сценарий. Муҳташам аср

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари орасидаги мустақил мавқеи, ҳамда Туркий (Туркия) ва Осиё (Хитой) иқтисодиётларининг қизиқиши юқори инвестиция оқимига сабаб бўлди. Инвестициялар ўсишига қулай инвестиция муҳитининг яратилиши ҳам таъсир кўрсатди. Бу муҳит, биринчи навбатда, мамлакатда айланма иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга имтиёзлар берди. Молиявий оқимлар туфайли нафақат фойда, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳам устувор деб билган барқарор иқтисодиётни яратиш имкони туғилди. Ўзбекистон ноёб минераллар ва металлларни қазиб олиш мақсадида руда чиқиндиларини қайта ишлашда етакчига айланмоқда. Бу хом руда қазиб олиш заруратини камайтиради ва шу тариқа атроф-муҳитни сақлашга ёрдам беради. Мамлакат энергия ресурслари ва металлларни экспорт қилишни тўхтатиб, мавжуд ресурсларни чиқиндисиз ишлаб чиқаришнинг ёпиқ тизимида ишлатмоқда.

Мамлакатимиздаги қулай экологик вазият ва юқори инвестиция оқими замонавий технологияларни муваффақиятли ривожлантириш имконини бермоқда. Хусусан, Фарғонада ўз нейрочипларини ишлаб чиқарадиган “Clean Planet” маркази очилмоқда. Бунинг натижасида тегишли тиббий ва, албатта, сайёҳлик хизматлари фаол ривожлана бошлади. Чунки нейрочиплар билан ишлайдиган мутахассислар ва тиббий туризм доирасида келаётган сайёҳлар оқими тўрт бараварга ошди.

Саломатлик ва соғлом овқатланишга эътибор қишлоқ хўжалигини ўзгартирди ва халқаро сертификатга эга бўлган органик маҳсулотларни кенг кўламда етиштириш йўлга қўйилди. Айланма иқтисодиёт тамойиллари, айниқса сувдан фойдаланишда, ишлаб чиқарувчиларга маблағни тежаш ва қўшимча фойда олиш имконини бермоқда.

Соғлиқ ва соғлом овқатланишга бўлган эътибор қишлоқ хўжалигида ўзгаришларга ҳамда халқаро сертификатга эга органик маҳсулотларнинг кенг миқёсда етиштирилишига сабаб бўлди. Айланма иқтисодиёт тамойиллари, айниқса, сувдан фойдаланишда ишлаб чиқарувчиларга маблағни тежаш ва қўшимча фойда олиш имконини беради.

3 3-сценарий: Ўтмиш хатоларини тузатиш

2020 йилларда инвестицияларнинг кўпайиши, айниқса қурилиш соҳасида, иқтисодиётнинг тез суръатларда ўсишига сабаб бўлди. Бироқ, бу фаровонлик оғир оқибатларга олиб келди: янги ишга туширилган заводлардан чиқадиган чиқиндилар туфайли атроф-муҳит ҳолати кескин ёмонлашди.

Муаммо зудлик билан ҳал этишни талаб қиларди. Аввало, инвесторлар ва тадбиркорларнинг экологик меъёрларга риоя қилиш мажбуриятига оид амалдаги қонунчилик қайта кўриб чиқилди. Шунингдек, экологик талаблар ҳам кучайтирилди. Кейинчалик ҳукумат барқарор усулларни жорий этмоқчи бўлган корхоналарга катта ёрдам кўрсата бошлади, тоза технологиялардан фойдаланаётганларга солиқ имтиёзлари ва субсидиялар тақдим этди. Бу жараёнда туризм соҳаси ва қишлоқ хўжалиги жиддий зарар кўрди. Экологияси ёмонлашган мамлакатга ташриф буюрмоқчи бўлганлар сони кескин камайди. Экин майдонлари илгаригидек ҳосил бермай қўйди, маҳсулотларнинг ўзи ҳам нормал озиқ-овқат стандартларига жавоб бермай қолди.

Фалокатли вазиятни ҳал қилиш учун чуқурроқ ечим талаб этилди. Шу боис, ҳукумат экологик хабардорликни ошириш ва фуқароларга айланма иқтисодиёт тамойилларини ўргатиш дастурларига катта маблағ сарфлади. Бу маданий ўзгаришларга олиб келди ва одамлар ўз турмуш тарзи ҳамда истеъмол қилиш одатларини қайта кўриб чиқа бошладилар. Чиқиндиларни саралаш ва озиқ-овқат қолдиқларини қайта ишлаш кундалик ҳаётнинг бир қисмига айланди. Натижада, Ўзбекистон нафақат ҳордиқ чиқариш, балки экологик тоза муҳитда дам олишни хоҳловчи онгли сайёҳлар ташрифига сазовор бўладиган Марказий Осиё мамлакатлари орасида пешқадамга айланди..

4 4-Сценарий. Виртуал саёҳатлар - ҳақиқий сармоялардир

Мамлакатнинг тез иқтисодий ўсишга интилиши экологик муаммоларни четга суриб қўйди. Асосий сармоялар металл қазиб олишни кенгайтиришга йўналтирилди, чиқиндиларни йўқотиш тизимлари

этибордан четда қолди. Қайта тикланадиган энергия манбалари таъминоти талабни қондириш учун жуда кам эди. Иссиқхоналарнинг тақиқланиши ва тупроқ сифатининг ёмонлашуви қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг кескин пасайишига олиб келди. Буларнинг барчаси мамлакатдан сармояларнинг оммавий чиқиб кетишига сабаб бўлди. Қазилма ёқилғига қарамликни камайтириш мақсадида мамлакат электромобилларга ўтди. Бироқ, аккумуляторларнинг хизмат муддати атиги беш йил эди. Ишлатилган аккумуляторларнинг улкан ҳажми тезда мавжуд чиқиндиларни бошқариш тизимларини издан чиқариб, катта захарли ахлатхоналарни вужудга келтирди. Қайта ишлаш марказларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар кутилган натижани бермади. 2040 йилга келиб мамлакат тўлиқ экологик ҳалокат ёқасига келди. Табиат деярли йўқ қилинди, сармоялар эса бутунлай тўхтади.

Бундай шароит туризм соҳасини инқирозга олиб келди. Ўзбекистонга ташриф буюрмоқчи бўлганлар сони тобора камайди. Аммо мамлакатга бўлган қизиқиш бутунлай йўқолмади. Натижада туроператорлар ўз фаолиятини қайта ташкил этиб, виртуал саёҳатларни таклиф эта бошлади. Ўзбекистоннинг тарихий жойларига шаҳсан ташриф буюришни истамайдиган “виртуал сайёҳлар” ўзбек сайёҳлик компаниялари томонидан дунё бўйлаб ўз офисларида тақдим этиладиган кенгайтирилган реаллик саёҳатларига мамнуният билан қўшилмоқда. Бу жойлар ташриф буюрувчиларни ўзбек миллий таомлари, санъати ва анъаналари билан таништирадиган маданий марказларга айлангани учун ҳам жуда машҳур. Уларда Ўзбекистон шўҳрат қозонган театр томошалари намойиш этилади. Бундан ташқари, бундай сайёҳлик марказлари республикадаги экологик офатга қарши курашиш учун маблағ йиғиш жойига айланди.

Жисмоний туризм инфратузилмаси техник хизмат кўрсатишнинг етишмаслиги туфайли ёмонлашмоқда ва айланма иқтисодиётнинг тажриба лойиҳалари сармоянинг чекланганлиги ва нозик экологик шароитлар туфайли кенгая олмаяпти. Озиқ-овқат сектори доимий хавфсизлик муаммоларига дуч келмоқда, бу эса айланма озиқ-овқат тизими ташаббусларини амалга оширишни деярли имконсиз қилмоқда. Ушбу сценарий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва айланма иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланмасликнинг оқибатларини кўрсатади.

Ўзбекистонда туризмни келажакда ривожлантиришнинг афзал сценарийси

Келажак учбурчаги² усули қўлланилди, бу нафақат исталган ривожланишнинг тасаввурини яратишга, балки ўтмишдан мерос бўлиб қоладиган нарсаларни ва ҳозирда бизнинг кўзимизни очиш ёки тўсиб қўйиш учун мавжуд бўлган нарсаларни баҳолашга имкон берди. Аниқланган фактларни таҳлил қилгандан сўнг, бешта мумкин бўлган сценарий тузилди:

- Ўтмишга қайтиш
- Ўзгаришсиз қолиш
- Кичик ўзгаришлар
- Мослашувчан ўзгаришлар
- Туб ўзгаришлар

Муҳокама иштирокчиларининг сценарийлардан бирини танлаши, уларнинг фикрича, бугунги кунда мазкур соҳада қандай ўзгаришлар зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ўтказилган семинар иштирокчиларининг жавобларини умумлаштирадиган бўлсак, 2040 йилда туризм соҳасини ривожлантиришнинг афзал келажакда қуйидагича кўринишга эга.

Ҳар томонлама мувозанатли таъминлаш

Рақамлаштиришнинг кенг жорий этилиши туфайли туризм соҳаси мувозанатли ривожланмоқда. Бу ташриф буюрувчи меҳмонлар учун қулай шароитлар яратишда муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, Ўзбекистонда сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаб, сўралган барча зарур маълумотларни тақдим этувчи “Digital Concierge” иловаси кенг қўлланилмоқда. Мамлакатнинг барча ҳудудларини қамраб олган қуруқлик ва ҳаво транспорти учун такомиллаштирилган ва кенг қамровли логистика тизимлари, шунингдек, кўплаб давлатлар билан ўрнатилган визасиз режим туризмни

2 <https://www.sitra.fi/en/tool/the-futures-triangle/>

ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда туризмнинг турли йўналишлари: тиббий, гастрономик, зиёрат, оилавий, ёшлар ва таълим (мактаб ўқувчилари учун) туризми ривожланмоқда. Буларнинг барчаси бир маромда ўсиб, янги иш ўринлари яратмоқда ҳамда горизонтал ва ижтимоий ривожланишга ҳисса қўшмоқда.

Малакали ходимлар билан таъминлаш даражаси 100 фоизга етди. Ҳар бир гид ўз билими ва малакасини тасдиқловчи лицензияга эга, ҳар қандай хизмат кўрсатувчи ходим эса биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга тайёр. Музейлар интерактив кўргазмалар ва замонавий технологиялар орқали тарих жонланадиган замонавий марказларга айланмоқда.

Мамлакат фуқароларининг онги ўзгарди: тобора кўпроқ одамлар йирик истеъмолчиларга сертификатланган маҳсулотлар етказиб берадиган кичик фермер хўжаликларига сармоя киритишга тайёр бўлмоқда. Бу эса маҳсулот сифатининг яхшиланишига ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига олиб келади. Пластмасса ўтмишда қолиб, унинг ўрнини экологик тоза муқобиллар эгаллади. Чиқиндилар 88 фоиз самарадорлик билан қайта ишланмоқда ва 2040 йилга бориб бу кўрсаткич янада юқори бўлади. Инклюзивлик ҳақиқатга айланди, бу эса ҳар бир сайёҳга, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам саёҳатдан тўлиқ завқ олиш имкониятини бермоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг 25 фоизини туризм ташкил этади. Марказий Осиё туризм иттифоқи ташкил этилди ва унда республика асосий роль ўйнамоқда. Бу бирдамлик ва ҳамкорлик рамзидир. Иттифоқ туфайли саёҳатчилар Европа Иттифоқидаги Шенген ҳудудига ўхшаш ягона сайёҳлик визаси ёрдамида минтақа бўйлаб эркин ҳаракатланишлари мумкин.

Ўзларининг афзал кўрган келажагига эришиш учун қўлланилиши керак бўлган қадамларни танлашда аудитория қуйидагича бўлинди:

- Иштирокчиларнинг 25 фоизи кичик ўзгаришларни қўллаб-қувватлади. Бу туризм соҳасидаги ҳозирги ҳолат анча қониқарли деб баҳоланаётганини англатади. Фақат кичик яхшиланишлар киритиш керак, деб ҳисобланмоқда.
- Иштирокчиларнинг тахминан 25 фоизи туб ўзгаришларни қўллаб-қувватлади. Бу гуруҳ радикал ўзгаришлар энг яхши ва ягона ёндашув деб ҳисоблайди, шунинг учун вазиятни ва ўзгаришларни тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарур, деб билади.
- Мослашувчан ўзгаришларни 50% иштирокчилар таклиф қилди. Бу гуруҳдагилар келажак ўзгаришларни талаб қилишини таъкидлаб, ўтмиш олдинга ҳаракатланишга тўсқинлик қилмаслиги кераклигини, ўзгариш ва мослашиш зарурлигини ёқлайдилар.

Қуйидаги ўзгартиришлар ва қадамлар таклиф этилди.

Кичик ўзгартиришлар қаторида

- Туризмни ривожлантириш бўйича мавжуд давлат қонун-қоидаларини қатъий назорат ва мониторинг остида амалга оширишни давом эттириш.
- Анъанавий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, уни асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилиш зарур.
- Буюк Ипак йўлининг тарихий-маданий мероси ва туркий халқлар тарихига асосланган мавзули сайёҳлик йўналишларини ва концепцияларини ишлаб чиқиш.
- Қишлоқ хўжалигида мева ва сабзавотларнинг янги, чидамли навларини танлаб жорий этишни давом эттириш, шунингдек, гулчиликни ривожлантириш лозим.
- Туризм соҳасида ходимларни рағбатлантириш ва кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш мақсадида ишчиларнинг даромадларини ошириш муҳим аҳамиятга эга.
- Инклюзив туризмни таъминлаш учун сайёҳлик инфратузилмаси ва хизматларини мослаштириб бориш.

Мослашувчан ўзгаришлар жараёнининг бир қисми сифатида

- Буюк Ипак йўли ғоясини туризмнинг асосий мавзуси сифатида қайта жонлантириш, уни Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббусига муқобил равишда тақдим этиш, бу орқали Марказий Осиё мамлакатларининг илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантириш назарда тутилади.

- Туризм соҳаси учун жамоатчилик билан алоқалар мутахассислари ва ходимларни ёллаш бўйича малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида таълим дастурларини ишга тушириш.
- Минтақавий ошхона ва ноёб экотизимларни қайта тиклаш ҳамда сақлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.
- Маҳаллаларда анъанавий сайёҳлик марказларини тиклаш ва ривожлантириш, уларни Сабантўй ва тўйлар каби тадбирлар ўтказиш, тарихий анъаналарни тарғиб қилиш ва оммалаштириш учун жой сифатида фойдаланиш.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилишга қаратилган янги халқаро келишувлар тузиш ва туризм инфратузилмасига сармоялар жалб этиш учун халқаро ҳамкорликни фаол ривожлантириш.

Узоқ муддатли ўзгаришлар жараёнининг бир қисми сифатида

- Таълим тизимини янги касбларни ўргатиш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва барқарор ривожланиш тамойилларини жорий этиш нуқтаи назаридан ислоҳ қилиш.
- Янги экологик стандартларни ишлаб чиқиш, уларнинг давлат мониторинги ва назоратини йўлга қўйиш.
- Масофавий иш ва мослашувчан иш вақти учун қонунчилик базасини яратиш.
- Инфратузилмани модернизация қилиш мақсадида замонавий “карвонсарой”лар, яъни қулай дам олиш масканлари ва сайёҳлик хизматларини ташкил этиш, уларни турли йўналишлар бўйлаб жойлаштириш - бу марказлар ахборот хизматлари ва барча зарур қулайликлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.
- Сайёҳларнинг турли қатламлари ва уларнинг қизиқишларига мослаштирилган янги турдаги сайёҳлик хизматлари ва пакет-турларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш.
- Сайёҳларнинг мамлакат бўйлаб қулай ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш учун транспорт-логистика инфратузилмасини такомиллаштириш.
- Сифат ва хизмат кўрсатишнинг халқаро стандартларини жорий этиш бўйича етакчи сайёҳлик мамлакатларининг тажрибасини ўрганиш, уларнинг илғор амалиётларини маҳаллий шароитларга мослаштириш.

3. Амалга ошириш хавф-хатарлари

Таклиф этилаётган чора-тадбирларни кичик, тубдан ва мослашувчан ўзгаришлар доирасида амалга ошириш жараёнида бир қатор хавф-хатарларга дуч келиш эҳтимоли мавжуд. Қуйида уларнинг айримлари келтирилган.

Кичик ўзгаришларга оид хавф-хатарлар

1. Баъзи анъанавий ҳунармандчиликни қайта тиклаш ва сақлаб қолиш учун молиявий маблағ зарур. Бироқ, бунинг учун маблағ етишмаётган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, кекса ҳунармандларга ўз санъатини ўргатадиган шогирдлар керак.
2. Тегишли назорат ва мониторингнинг йўқлиги давлат ресурсларидан самарасиз фойдаланишга ва туризмни ривожлантириш бўйича ташаббусларнинг тўлиқ амалга оширилмаслигига олиб келиши мумкин.
3. Селекция ишлари учун мутахассислар талаб этилади ва фермерларни янги қишлоқ хўжалиги экинларини жорий этишга рағбатлантириш лозим.
4. Кадрлар қўнимсизлиги муаммосини фақат иш ҳақини ошириш билан ҳал қилиб бўлмайди: мунтазам малака ошириш ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳам зарур.
5. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг иштирокисиз инфратузилмани мослаштириш мушкул, ва бундай лойиҳаларни муҳокама қилиш учун инклюзив шароитлар яратилмаса, бу амалга ошмайди.

Тубдан ўзгаришлар билан боғлиқ хавф-хатарлар

1. Буюк Ипак йўли ғоясининг қайта тикланишига ҳамма ҳам тайёр эмас.
2. Янги таълим дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш доим ҳам мавжуд бўлмайдиган қўшимча молиявий ва инсон ресурсларини талаб этади.
3. Янги халқаро шартномаларнинг имзоланиши сиёсий ёки иқтисодий омиллар туфайли қаршиликка дуч келиши мумкин.

Мослашувчан ўзгаришларга оид хавф-хатарлар

1. Ҳар қандай ўзгариш молиявий сармоя ва малакали ишчиларни талаб қилади, бироқ бу икки омил ҳам жиддий чекланган бўлиши мумкин.
2. Таълим тизимини ўзгартириш малакали ўқитувчиларнинг етишмаслиги ҳамда ўқитишнинг эскирган усуллари муаммоси туфайли хатарларга дуч келиши мумкин.
3. Янги экологик меъёрлар корхоналарнинг қаршилигига учраши, шунингдек, техник воситалар ва зарур ускуналарнинг етишмаслиги билан тўқнашиши эҳтимоли мавжуд.
4. Барча иш берувчилар ҳам ўз ходимларига масофадан ишлаш имкониятини беришга тайёр эмас. Бу турдаги иш учун қонунчилик асосини яратиш ҳуқуқий мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин.

Умумий хавф-хатарлар

- **Иқтисодий беқарорлик:** Иқтисодий ҳолат ўзгариши таклиф қилинган лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга оширишга таъсир этиши мумкин.
- **Сиёсий беқарорлик:** Сиёсий ўзгаришлар режаларни амалга оширишни қийинлаштириши ёки бутунлай тўхтатиб қўйиши мумкин.
- **Иқлим ўзгариши:** Салбий иқлим ўзгариши туризм ва қишлоқ хўжалигига таъсир кўрсатиши мумкин, бу эса қўшимча мослашувларни талаб этади.

Ушбу хавф-хатарлар таклиф этилаётган лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун синчковлик билан таҳлил қилиниши ва уларни камайтириш бўйича стратегиялар ишлаб чиқилиши лозим.

3 Босқич. Туризм соҳасида олиб борилаётган сиёсатга оид тавсиялар

1-компонент. Бошқарув ва сиёсатни қўллаб-қувватлаш

Бу биринчи компонент энг ўзаро боғлиқ бўлиб, бошқа деярли барча тавсиялар 1-компонентнинг муваффақиятига асосланади.

Сиёсат, институционал ва қонунчилик асослари

- **Барқарор туризмни ривожлантиришни мувофиқлаштириш:** Туризмни барқарор ривожлантириш бўйича тармоқлараро ҳамкорликни осонлаштириш мақсадида миллий мувофиқлаштирувчи орган сифатида вазирликлар аро кенгаш тузиш. Ушбу кенгаш тегишли стратегиялар, ҳаракат режалари ва ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиши, шунингдек, барқарор туризмни ривожлантиришни кузатиб бориши, ҳисобот бериши ва тезлаштиришини таъминлаш.
- **Айланма иқтисодиёт ва туризм соҳасида олиб борилаётган сиёсатни уйғунлаштириш:** Мувофиқлаштирувчи орган қошида вазирликлар аро ишчи гуруҳ ташкил этиб, айланма иқтисодиёт мақсадларини туризмни ривожлантириш стратегиялари билан мувофиқлаштириш, айланма иқтисодиёт тамойилларини туризмга оид ҳуқуқий ҳужжатлар ва минтақавий ривожланиш режаларига сингдириш.
- **Муқобил туризмни қонунчиликка киритиш:** Миллий қонунчиликни, жумладан “Туризм тўғрисида”ги қонунни янгилаб, муқобил туризм турларини (масалан, агротуризм, экотуризм, тиббий, таълим ва гастрономик туризм) аниқ белгилаш ва тан олиш. Бу сиёсатни изчил амалга ошириш ва статистик кузатувни таъминлашга хизмат қилади.
- **Пластмассадан воз кечиш ва чиқиндиларни қайта ишлашни рағбатлантириш:** Туризм соҳасида чиқиндиларни қайта ишлаш ва пластмассадан экологик тоза муқобилларга ўтишни қўллаб-қувватлаш учун меъёрий-ҳуқуқий база яратиш.
- **Кичик ва ўрта бизнес қонунчилигини қўллаб-қувватлаш:** Туризм соҳасидаги кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш сиёсатини кучайтириш. Бунга соддалаштирилган лицензиялаш, яшил инвестициялар учун солиқ имтиёзлари ва айланма иқтисодиётга оид махсус грантлар киритилсин.

Кузатиш, баҳолаш ва тажриба алмашиш

- **АИ самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш:** Лицензиялаш ёки рағбатлантириш доирасида туризм операторларидан чиқиндилар, энергия сарфи, маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш ва озиқ-овқат исрофи бўйича маълумотларни мажбурий йиғишни жорий этиш.

Манфаатдор томонларни жалб этиш ва бошқарув

- **Кўп манфаатдор томонлар ҳамкорлигини кучайтириш:** АИ сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун давлат идоралари, туризм корхоналари, фуқаролик жамияти ва илмий доиралар ўртасида мунтазам форумларни йўлга қўйиш.
- **Аёллар ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш:** Экотуризм, экологик овқатланиш ва барқарор озиқ-овқат технологиялари соҳаларида тадбиркор аёллар ва ёшлар бошчилигидаги стартапларга мақсадли ёрдам кўрсатиш.
- **Барқарорлик бўйича махсус гуруҳ тузиш:** Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигидаги мувофиқлаштирувчи орган АИ ташаббусларининг жорий этилишини назорат қилиши, қайта алоқани таъминлаши ва миллий стратегияларни мослаштириб бориши лозим.
- **АИ ҳаракатларини маҳаллийлаштириш:** Минтақавий туризм идоралари ва маҳаллий ҳокимиятларга ўзига хос АИ ечимларини амалга ошириш имконини бериш учун режалаштириш ва ресурсларни тақсимлашни марказсизлаштириш.

2 компонент. Яшил инфратузилма ва сармоялар

Ушбу компонент 1-компонентга таянади ва шу билан бирга 3- ҳамда 4-компонентларни амалга ошириш имконини беради.

Барқарор инфратузилма ва инновация

- **Яшил туризм инфратузилмасини ривожлантириш:** Экологик жойлаштириш воситалари (модулли меҳмонхоналар, эко-уйлар, глампинг), энергия тежамкор транспорт ва қуёш энергиясида ишлайдиган иншоотлар учун, айниқса қишлоқ ва экологик жиҳатдан таъсирчан ҳудудларда, инвестиция имтиёзлари ва субсидияларни кенгайтириш.
- **Узоқ сайёҳлик манзиллари ўртасида яшил транспорт турларидан фойдаланиш ва кам углеродли алоқани таъминлаш учун логистика тармоғини кенгайтириш.**
- **Чиқинди ва сув тизимларини замонавийлаштириш:** Туризм объектларида чиқиндиларни ақлли ажратиш, қайта ишлаш ва сувдан қайта фойдаланиш тизимларини кенгайтириш. Давлат-хусусий шериклик чиқиндиларни компостга айлантириш ташаббусларини қўллаб-қувватлаши ва меҳмонхона соҳаларида қайта фойдаланиладиган озиқ-овқат идишларини тарғиб қилиши мумкин.
- **Ақлли логистика ва электрон транспортни жорий этиш:** Субсидиялар ва инфратузилмани ривожлантириш орқали озиқ-овқат етказиб бериш ва сайёҳларни ташишда электрон транспорт воситаларидан фойдаланишни рағбатлантириш.

Яшил иқтисодиётга утишни кредитлаштириш ва молиялаштириш йўллари

- **АИ кредит линияларини кенгайтириш:** Мавжуд кредит имкониятларига АИ га хос таркибий қисмларни (масалан, чиқиндиларни камайтириш технологияси, паст углеродли озиқ-овқат тизимлари) қўшиш орқали уларни ривожлантириш.
- **Таъсирли инвестицияларни рағбатлантириш:** Иқлимга чидамли туризм ва агро-озиқ-овқат қиймат занжирларига сармоя киритишни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш.
- **Субсидияларни соддалаштириш:** Сертификатланган АИ амалиётларини жорий этаётган сайёҳлик корхоналарига ҚҚС қайтариш, импорт божларидан озод қилиш ва фойда солиғини камайтириш имкониятларини кенгайтириш ва узайтириш. Ушбу субсидиялар “Яшил белги” тизими бўйича сертификатланган тадбиркорларга автоматик равишда берилишини таъминлаш.

Қисқа муддатли/ўрта муддатли

- Барқарор озиқ-овқат маҳсулотларининг маҳаллий етказиб берилишини рағбатлантириш мақсадида айланма қишлоқ хўжалиги амалиётларини қўллайдиган кичик фермер хўжаликларига субсидиялар жорий этиш.

Ўрта ва узоқ муддатли

- Барқарор туризм соҳасидаги инновацияларга йўналтирилган стартапларни қўллаб-қувватлаш учун яшил инвестиция фондини ташкил этиш.

3 компонент. Қиймат занжири ва ҳамжамият

Ушбу компонент салоҳият ва таъминот занжирларига қаратилган бўлиб, бошқа компонентлар билан ўзаро боғлиқ алоқага эга.

Маҳаллий озиқ-овқат тизимларини ва айланма озиқ-овқат амалиётларини қўллаб-қувватлаш

- **Хўжаликдан дастурхонга ва қисқа таъминот занжирларини тарғиб қилиш:** Фермер хўжаликларига ташрифлар, органик таомлар билан танишиш ва туроператорлар ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорлик орқали гастротуризмни ривожлантириш.
- **Барқарор озиқ-овқат инновацияларини рағбатлантириш:** Биологик парчаланувчан ёки истеъмол қилинадиган қадоқлардан (масалан, нон косаларда бериладиган шўрва) фойдаланиш,

компостлаш дастурлари ва озиқ-овқат чиқиндиларини назорат қилиш технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш.

- **Маҳаллий харидларни рағбатлантириш:** Маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қиладиган ёки озиқ-овқат ташиш масофасини қисқартирадиган сайёҳлик корхоналарига солиқ имтиёзлари ёки эътироф бериш.
- **Яшил сертификатлашни қўллаб-қувватлаш:** Халқаро экологик стандартларга риоя қилишни рағбатлантириш ва истеъмолчилар ишончини ошириш мақсадида туризм корхоналари учун “Яшил Белги” экологик ёрлиғини расмийлаштириш.

Ўзига хос туризм йўналишлари ривожлантириш

Қисқа муддатли/ўрта муддатли

- **Агротуризм:** Сайёҳларга органик деҳқончилик амалиёти билан танишиш имконини берувчи дастурларни ишлаб чиқиш. Барқарор қишлоқ хўжалигини акс эттирадиган қишлоқ туризмни ривожлантириш.
- **Гастротуризм:** Миллий таомлар фестивалларини ўтказиш ва пазандачилик бўйича устахоналар ташкил этиш орқали анъанавий пазандачиликни асраш ва тарғиб қилиш. Сертификатланган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш.
- **Маҳаллий аҳолининг барқарор туризм лойиҳаларига** эгаллик қилишини рағбатлантирувчи ташаббусларни ишлаб чиқиш, бу орқали жамиятга асосланган иқтисодий ўсишни таъминлаш.
- **Анъанавий ҳунармандчиликни** қайта тиклаш, сақлаш ва оммалаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш.

Ўрта ва узоқ муддатли

- Буюк Ипак йўлининг тарихий-маданий мероси ва туркий тарихга асосланган мавзули сайёҳлик йўналишлари ва концепцияларини ишлаб чиқиш.
- Музейларда ва маданият марказларида рақамли ҳикоя қилиш усулларини жорий этиш орқали маданий меросни сақлашни тарғиб қилиш.
- Мева-сабзавотларнинг янги, чидамли навларини танлаш ва жорий этишни давом эттириш, шунингдек, агротуристларни жалб қилиш учун гулчиликни ривожлантириш.

Барқарорлик ва хавфларни бошқариш

- **Туризмни режалаштириш жараёнида иқлим хавфини ҳисобга олиш:** Иқлим таҳдидларига (масалан, қурғоқчилик, иссиқ тўлқинлар, таъминот занжирининг узилиши) қарши курашиш учун турли вазиятларга асосланган режалаштириш ва инфратузилмага сармоя киритишни қўллаб-қувватлаш.
- **Озиқ-овқат тизимлари учун фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш:** Туризм фаол бўлган ҳудудларда озиқ-овқат таъминотини кафолатлаш учун фавқулодда сақлаш ва иқлимга чидамли экинларни ўз ичига олган фавқулодда вазият стратегияларини ишлаб чиқиш.

4 компонент. Билим ва кўникмалар, инновациялар ва рақамлаштириш

Ушбу устун бошқа компонентлар яратган пойдеворлардан фойдаланиб, кўлам ва самарадорликни таъминлайди.

Таълим, профессионал тайёргарлик ва хабардорлик ошириш

- **Туризм ўқув дастурларини такомиллаштириш:** Туризм, меҳмондўстлик ва агробизнес бўйича касб-ҳунар ва университет дастурларига айланма иқтисодиёт, экологик меъёрлар ва барқарор озиқ-овқат тизимларини киритиш.
- **Малака стандартларини ишлаб чиқиш:** Хусусий сектор талабларига мувофиқ туризм касблари учун миллий малака талабларини белгилаш ҳамда амалий тайёргарликни ўз ичига олган икки томонлама таълим тизимини жорий этиш.

- **Сайёҳлар орасида хабардорликни ошириш:** Туроператорларни сайёҳлик материаллари ва дастурларига барқарор ривожланиш таълимини (масалан, озиқ-овқат чиқиндилари, қайта ишлаш, маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш) киритишга рағбатлантириш.
- **Экологик тоза хизмат кўрсатиш,** биринчи тиббий ёрдам ва инклюзив туризмга эътибор қаратган ҳолда сертификатлаш дастурларини ишлаб чиқиш.
- **“Яшил” туризм, чиқиндиларни бошқариш ва экологик қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мутахассислар учун махсус ўқув дастурларини амалга ошириш.**
- **Билим платформаларини қўллаб-қувватлаш:** Туризм соҳасидаги манфаатдор томонлар учун илғор тажрибалар, амалий тадқиқотлар ва айланма иқтисодиёт муваффақият ҳикояларини алмашиш учун очиқ фойдаланиш мумкин бўлган билимлар базасини яратиш.

Рақамлаштириш ва интеллектуал инструментлар

- **Барқарорликни кузатиш учун рақамли платформалардан фойдаланиш:** Сайёҳларга экологик жиҳатдан тоза сертификатланган хизматларни топиш ва барқарорлик амалиётларини баҳолаш имконини берувчи иловалар ҳамда воситаларни ишлаб чиқиш.
- **Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун электрон тижоратни қўллаб-қувватлаш:** Фермерлар ва озиқ-овқат ҳунармандларига кузатувчанлик ва логистика ечимлари билан бирлаштирилган рақамли платформалар орқали туризм билан боғлиқ бозорларга киришда ёрдам бериш.
- **Чиқиндиларни бошқариш ва барқарор истеъмол амалиёти** каби сайёҳлар учун айланма иқтисодиёт бўйича маслаҳатларни ўз ичига олиш мақсадида “Digital Concierge” иловасидан фойдаланишни кенгайтириш

Қисқа муддатли/ўрта муддатли

- Чиқиндиларни бошқариш ва барқарор истеъмол амалиёти каби сайёҳлар учун айланма иқтисодиёт бўйича маслаҳатларни ўз ичига олиш мақсадида “Digital Concierge” иловасидан фойдаланишни кенгайтириш.

Ўрта ва узоқ муддатли

- Реал вақт режимида барқарорлик кўрсаткичлари, ташриф буюрувчилар сони ва ресурслар сарфини кузатиб бориш учун марказлаштирилган рақамли туризмни бошқариш тизимини жорий этиш.

5 компонент. Ҳудудлаштириш

Тўрт устун бўйича кўрсатилган тараққиёт Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари орасида минтақавийлашувни тарғиб қилишдаги ишончлилигини ошириши мумкин.

Минтақавий ҳамкорлик ва виза масалаларига тегишли сиёсат

Қисқа муддатли/ўрта муддатли

- Барқарор туризм сиёсати ва қўшма айланма ташаббусларни мувофиқлаштириш мақсадида Марказий Осиё туризм иттифоқи доирасидаги ҳамкорликни кучайтириш.

Ўрта ва узоқ муддатли

- **Буюк Ипак йўли ғоясини туризмнинг асосий мавзуси сифатида қайта жонлантириш,** ЮНЕСКО мероси рўйхатига киритилган тарихий ёдгорликларни сақлашга қаратилган янги халқаро келишувлар тузиш ҳамда туризм инфратузилмасига сармояларни жалб этиш учун халқаро ҳамкорликни фаол ривожлантириш.
- **Ягона сайёҳлик визасини яшил туризм ташаббуси** сифатида тарғиб қилиш, минтақа бўйлаб атроф-муҳитга кам таъсир кўрсатувчи саёҳатларни рағбатлантириш.
- **Аъзо мамлакатлар бўйлаб барқарорлик мезонларини** ягона стандартга келтириш орқали Марказий Осиё туризм иттифоқини мустаҳкамлаш.

- **Марказий Осиё бўйлаб, айниқса умумий экотизимлар** (масалан, Орол денгизи) атрофида умумий стандартлар ва айланма иқтисодийга йўналтирилган минтақавий туризм йўналишларини илгари суриш орқали минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш.

Хавф-хатарни камайтириш чора-тадбирларини жорий этиш

Иқтисодий хавф-хатарларни юмшатиш стратегиялари

- Кичик туризм корхоналарининг молиявий юки камайиши учун солиққа тортишни аста-секин ўзгартириш чораларини жорий этиш.
- Туризм соҳасини иқтисодий ва сиёсий беқарорликдан ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодий барқарорлик жамғармасини ташкил этиш.

Ижтимоий хавф-хатарларни юмшатиш стратегиялари

- Барқарор туризм амалиётларини қўллаб-қувватлаш учун жамоатчиликни жалб этиш дастурларини ишлаб чиқиш.
- Мақсадли рақамли саводхонлик дастурлари орқали рақамлаштиришга бўлган эҳтимолий қаршилиқни бартараф этиш.

Атроф-муҳит хавфларини юмшатиш стратегиялари

- Барча янги инфратузилма лойиҳалари, айниқса, таъсирчан ҳудудларда атроф-муҳитга таъсир баҳоланишини ўтказиш.
- Жамоат жойларида ва сайёҳлик иншоотларида барқарор материаллар ва экологик лойиҳалашни жорий этиш.
- Машҳур йўналишларда атроф-муҳитга тушаётган юкни камайтириш мақсадида сайёҳлик оқимларини мақбуллаштириш учун сунъий интеллектга асосланган дастурлардан фойдаланиш.
- Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш учун мослашувчан туризм стратегияларини ишлаб чиқиш, жумладан туризм турларини ва мавсумларини хилма-хиллаштириш.

Технологик хавфларни камайтириш стратегиялари

- Ақлли туризм иловаларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишни, шунингдек, барқарорлик амалиётларини қўллаб-қувватлаш учун рақамли инновациялар марказини ташкил этиш.

Кичик ўзгаришларга оид хатарлар

- Анъанавий ҳунармандчиликни қайта тиклаш учун давлат-хусусий шериклик ва жамоат ташаббуслари орқали маблағлар ажратиш.
- Ҳунармандчилик мактаблари орқали тажрибали усталарни шоғирдлар билан боғлаш йўли билан билим ва кўникмаларни узатишни енгиллаштириш.
- Маҳаллий назорат қўмиталари ташкил этиш орқали назорат ва кузатувни кучайтириш.
- Фермерларни янги иқлимга чидамли экинларни, шу жумладан агротуризм учун гулчиликни жорий этишга рағбатлантирувчи дастурлар ишлаб чиқиш.
- Ходимлар алмашинувини камайтириш учун иш ҳақи оширишни ўқитиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш билан уйғунлаштириш.

Кескин ўзгаришлар билан боғлиқ хавф-хатарлар

- Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш концепцияси бўйича консенсусни шакллантириш учун манфаатдор томонларни муҳокамаларга жалб қилиш.
- Таълим дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун халқаро ташкилотлардан маблағ олиш.

Мослашувчанлик ўзгаришларига оид хатарлар

- Мослашувчан ўзгаришларни молиялаштириш учун иқлим молиялаштириш ташаббусларидан ишончли инвестицияларни жалб қилиш.
- Ўқитувчиларни тайёрлаш дастурларини замонавий, барқарорликка йўналтирилган ўқув дастурларига эътибор қаратадиган тарзда такомиллаштириш.
- Амалийлик ва қонуний мувофиқликни таъминлаш мақсадида корхоналарни экологик стандартларни биргаликда ишлаб чиқиш жараёнига жалб этиш.

4 Босқич. Манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик

Сценарийларни ишлаб чиқиш якунлангач, натижалар туризмнинг асосий манфаатдор томонларига махсус маслаҳатлашувлар орқали тақдим этилди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари ва таҳлили натижаларнинг Ўзбекистон шароитида тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади. Манфаатдор томонларнинг устуворликлари ва амалий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда берилган тавсиялари ушбу бўлимда келтирилган.

Атроф-муҳит нуқтаи назаридан

1. Маҳаллий маданият ва урф-одатларни жараёнга сингдириш

- **Маданий йўналишларни яратиш:** Худуднинг ўзига хослигини кўрсатиш, сайёҳларнинг қизиқишини ошириш ва маданий меросни сақлашни қўллаб-қувватлаш мақсадида туризм дастурларига анъанавий ҳунармандчилик устахоналарига ташриф, халқ меъморчилиги музейларини зиёрат қилиш ва маҳаллий байрамларда иштирок этишни киритиш.
- **Халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш:** Маҳаллий ҳунармандларга ёрдам кўрсатиш дастурини ишлаб чиқиш, жумладан, замонавий маркетинг усулларини ўргатиш ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш учун онлайн савдо майдончаларини яратиш.

2. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш

- **Шамол ва гидроэнергетикани ривожлантириш:** Қулай табиий шароитли ҳудудларда шамол ва кичик гидроэлектр станцияларини жорий этишни рағбатлантириш орқали сайёҳлик ҳудудларини энергия билан таъминлаш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш.
- **Қуёш энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш:** Марказлашган электр тармоқларига боғлиқликни камайтириш мақсадида меҳмонхоналар ва жамоат бинолари томларига қуёш панелларини ўрнатишни қўллаб-қувватлаш.

3. Атроф-муҳит бўйича таълим ва хабардорлик

- **Таълим саёҳатлари ва семинарлар:** Мактаб ўқувчилари ва талабалар орасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш тамойиллари ҳақидаги хабардорликни ошириш мақсадида таълимий тадбирларни ташкил этиш.
- **Ахборотни тарқатиш:** Масъулиятли истеъмол ва атроф-муҳитни асраш ғояларини тарғиб қилувчи буклетлар, плакатлар ва видеороликларни нашр этиш ва тарқатиш.

4. Маҳаллий жамоатчилик иштироки

- **Фуқаролик иштироки:** Маҳаллий аҳолини атроф-муҳитни яхшилаш ва барқарор туризмни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни режалаштириш ва амалга оширишга жалб этиш.
- **Кўнгиллилар фаолияти:** Табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш, ўрмонлар ва дам олиш масканларини қайта тиклашга йўналтирилган кўнгилли дастурларни ташкил этиш.

Туризм нуқтаи назаридан

1. Кичик ва ўрта корхоналарга оид сиёсат ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш

- Туризм қонунчилигида меҳмонхона ва хостелларни тан олиш ҳамда улар учун СЕ имтиёзларидан фойдаланишни соддалаштириб бериш.
- Атроф-муҳитга зарар етказмайдиган амалиётларни рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари, экологик сертификатлар ва кичик грантлар тақдим этиш.

2. Атроф-муҳит инфратузилмаси ва инновациялар

- Қуёш энергияси тизимларини, сувни тежайдиган технологияларни ва арзон яшил қурилиш ечимларини ўрнатишни қўллаб-қувватлаш.
- Чиқиндиларни саралаш, компостлаш ва маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ташаббусларини рағбатлантириш.

3. Салоҳиятни ривожлантириш ва хабардорликни ошириш

- Меҳмонхона ва ҳостел эгалари учун барқарор истеъмол, рақамли технологиялар ва барқарор озиқ-овқат тизимлари каби мавзуларда ўқув машғулоти ўтказиш.
- Сайёҳлар орасида масъулиятли истеъмолни рағбатлантириш мақсадида ҳамкорликдаги тарғибот тадбирларини амалга ошириш.

4. Маҳаллий таомлар ва жамиятга мослашиш

- “Фермадан дастурхонга” тамойили асосида кичик меҳмонхоналар ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш.
- Мавсумий, анъанавий ва иқлим ўзгаришларига чидамли озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланишни рағбатлантириш.

5. Рақамлаштириш ва кўринишлилик

- Сертификатланган экологик тоза меҳмонхоналар ва хостелларни тарғиб қилиш учун миллий платформа яратиш.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан

- Жойлаштириш хизмати кўрсатувчиларни маҳаллий фермерлар билан боғлайдиган электрон савдо ва логистика тизимларини қўллаб-қувватлаш.
- Фермерлардан озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол ҳажмига қараб ва ўз вақтида харид қилиш тизимини йўлга қўйиш.
- Қайта фойдаланиладиган идишлардан фойдаланишни рағбатлантириш (масалан, меҳмонхона хоналарида қайта тўлдириладиган сув идишлари).
- Сув тўлдириш шохобчаларини ўрнатиш орқали сайёҳлар орасида пластик идишларни қайта ишлатиш маданиятини шакллантириш.
- Узлуксиз ва барқарор таъминотни таъминлаш мақсадида озиқ-овқат етказиб беришни режалаштириш ва бошқариш бўйича фермер хўжаликларида амалий ўқув машғулотларини ўтказиш.

Якуний хулосалар

Ушбу ҳисоботда умумлаштирилган сценарийларни ишлаб чиқиш машқи Ўзбекистон туризм соҳасининг, айниқса озиқ-овқат тизимларига эътибор қаратган ҳолда, янада барқарорлик ва айланма иқтисодиёт йўналишида қандай ривожланиши мумкинлигини ўрганиш учун тизимли ва истиқболли ёндашувни тақдим этди. Анъанавий режалаштириш воситаларидан фарқли ўлароқ, сценарий ёндашуви битта кутилаётган йўлни башорат қилиш ўрнига бир нечта эҳтимолий келажакни кўриб чиқади. Бу ёндашув манфаатдор томонларга ғояларни турли шароитларда синаб кўриш, яширин тахминларни аниқлаш ва турли вазиятларда ҳам аҳамиятли бўлиб қоладиган мустаҳкам ечимларни топиш имконини беради. Унинг иштирокчилиги хусусияти, айниқса туризм, озиқ-овқат таъминоти ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кесишган жойларда хавф ва имкониятлар ҳақида чуқурроқ умумий тушунча ҳосил қилади.

Ушбу воситадан фойдаланиб, манфаатдор томонлар маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш, экологик самарадорликни ошириш ва туризм, маҳаллий жамоалар ҳамда қишлоқ хўжалиги ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ажратиб кўрсатишга эришдилар. Машқ, айниқса, маҳаллий озиқ-овқат манбаларини топиш, чиқиндиларни камайтириш, қайта тикланадиган энергия ва жамиятга асосланган инновациялар имкониятларини аниқлашда самарали бўлди - бу соҳаларда айланма ёндашувлар ҳам қисқа, ҳам узоқ муддатли фойда келтириши мумкин.

Маслаҳатлашувлардан келиб чиққан тавсиялар Ўзбекистонда барқарор туризмнинг маданий анъаналар, ресурслардан самарали фойдаланиш, масъулиятли озиқ-овқат таъминоти, замонавий рақамли ва институционал қўллаб-қувватлаш тизимларини ўз ичига олиши кераклиги ҳақидаги умумий эътирофни акс эттиради. Ушбу фикрлар биргаликда сиёсат ва амалиёт учун изчил йўналишни кўрсатиб, Ўзбекистонни рақобатбардош, барқарор ва айланма иқтисодиёт ҳамда барқарор озиқ-овқат тизимларидаги глобал тенденцияларга мос келадиган туризм моделини ишлаб чиқишга йўналтиради. Шу билан бирга, сценарийга асосланган фикрлаш стратегик қарорлар қабул қилишда қўшимча қиймат яратишини намоён этади.

А Илова. Манфаатдор томонлар билан ўтказилган суҳбатлардан олинган хулосалар

Манфаатдор томонлар билан ўтказилган суҳбатлар ва олиб борилган тадқиқотларнинг асосий хулосалари ушбу иловада умумлаштирилган. Улар асосий ҳисоботнинг хулосалари учун далиллар базасини таъминлаш мақсадида мавзулар бўйича тартибга солинган. Маълумотлар сиёсатчилар ва манфаатдор томонлар учун бевосита фойдали бўлиб, улар Ўзбекистоннинг туризм ва озиқ-овқат соҳаларига айланма иқтисодиёт тамойилларини жорий этишнинг амалий ҳолатини тушунишга ёрдам беради.

1-мавзу. Айлана иқтисодиёт тамойиллари бўйича хабардорликнинг ўсиши ва уларнинг қўлланилиши

Соҳада фаолият юритувчи барча манфаатдор томонлар барқарорликни тобора кўпроқ нафақат экологик зарурият, балки бозордаги устунлик сифатида ҳам кўрмоқдалар.

Хулоса / Таклиф	манба	Сиёсат ва амалиёт учун оқибатлар
‘Айланма иқтисодиёт тамойиллари жорий этилади ва барқарор туризм учун янги бозорлар очилишига олиб келади. Бу эса экологик тоза саёҳатларга қизиқадиган сайёҳларни жалб қилади ҳамда сайёҳлик компанияларининг операцион харажатларини камайтиришга ёрдам беради.	Феруза Назарова, “Advantour” сайёҳлик компанияси	Хусусий секторнинг айланма иқтисодиётни рақобатбардошликнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида тан олишини кўрсатади Айланма иқтисодиётнинг “бозордаги афзаллик” эканлиги ҳақидаги асосий ҳисобот хулосасини тасдиқлайди
‘Бизда барча ходимларни айланма иқтисодиёт тамойилларига жалб этиш ва ўргатиш бўйича режалар ҳамда ташаббуслар мавжуд. Улар чиқиндиларни қайта ишлаш, озиқ-овқат исрофини камайтириш ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш каби мавзуларни қамраб олади.	Алексей Свитлицкий, “Эко мактаб” нодавлат нотижорат ташкилоти	Бу хабардорликнинг фуқаролик жамияти ва унга алоқадор корхоналар ичида аниқ ички салоҳиятни ошириш ҳаракатларига айланаётганини кўрсатади
‘Ташриф буюрувчилар ва сайёҳлар экологик тоза усулларни ўз ичига олган барқарор саёҳатлар ва туризм маҳсулотларини талаб қилмоқдалар. Улар пластик ишлатилишини камайтириш, озиқ-овқат чиқиндиларини қисқартириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва жамоаларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратмоқдалар.	Суҳбат таҳлили	Асосий ҳисоботнинг хулосасини тасдиқлайдики, мижозлар талаби бозордаги ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади

2-мавзу. Меҳмондўстлик ва туризм соҳасидаги амалий чора-тадбирлар ҳамда инновациялар

Корхоналар чиқиндиларни камайтириш, самарадорликни ошириш ва барқарор тарзда истеъмол қилиш мақсадида фаол равишда чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Хулоса / Таклиф	Манба	Сиёсат ва амалиёт учун оқибатлар
‘Биз таъминот занжирининг барча босқичларида озиқ-овқат исрофини камайтиришга эришиш мақсадида етказиб берувчиларимиз билан ҳамкорлик қиламиз. Бундан ташқари, озиқ-овқат чиқиндиларини камайтириш бўйича турли дастурларда иштирок этиб, бошқа меҳмонхоналар билан тажрибамизни ўртоқлашамиз.	Шахноза Бўрибоева, Виндхем Гарден Зомин	Асосий ҳисоботнинг “амалий амалга ошириш чоралари” ҳақидаги фикрларини, жумладан озиқ-овқат чиқиндиларини камайтириш ва турли соҳалар ўртасидаги ўзаро тажриба алмашишни ёритиб беради
‘Биз ҳақиқий истеъмолга мос келадиган порцияларни таклиф этиш орқали озиқ-овқат исрофини камайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунингдек, овқат қолдиқларини олдини олиш мақсадида озиқ-овқатдан максимал даражада фойдаланишни кўзда тутувчи менюларни ишлаб чиқмоқдамиз.	Феруза Назарова, “Advantour” сайёҳлик компанияси	Туроператорлар озиқ-овқат чиқиндиларини камайтириш учун амалга ошираётган аниқ операцияларни ўзгаришларга мисол келтирилган.
‘Баъзи ресторанлар олиб кетиш учун қоғоздан тайёрланган идишлардан фойдаланади, айрим турдаги шўрвалар эса нондан ясалган косаларда тортилади. Шунингдек, баъзи кафелар мижозлар идишларни қайтариб олиб келса, бепул қаҳва таклиф қилади.’	Айлана иқтисодиётга йўналтирилган озиқ-овқат бўйича суҳбат таҳлили	Барқарор қадоқлаш ва чиқиндиларни камайтириш соҳасидаги маҳаллий инновацияларни намойиш этади, бу эса асосий ҳисоботнинг айланма озиқ-овқат амалиётларига қаратилган эътиборини қўллаб-қувватлайди
Бизнес уюшмалари ётоқхоналар ва меҳмонхоналарда алоҳида чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш лойиҳалари ва озиқ-овқат чиқиндиларини компостлаш дастурларини қўллаб-қувватлайди.	Суҳбат таҳлили	Асосий ҳисоботда таъкидланганидек, бизнес уюшмаларининг айланма иқтисодиёт амалиётларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдаги муҳим ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтади.

3-мавзу. Сиёсат, институционал ривожланишлар ва рағбатлантириш чоралари

Ҳукумат қўллаб-қувватловчи сиёсий муҳитни яратди, гарчи амалга ошириш ва ҳуқуқий таърифларни кучайтириш зарур бўлса ҳам.

Хулоса / Таклиф	Манба	Сиёсат ва амалиёт учун оқибатлар
Президентнинг “Чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-5-сонли Фармони (04.01.2024 й.) корхоналарга жамоат санитария нуқталарини ўрнатиш ҳуқуқини беради ва чиқиндихоналарга ташланадиган чиқиндилар миқдорини камайтиришни мақсад қилади.	Тадқиқот	Асосий ҳисоботда таъкидланган муҳим “қўллаб-қувватловчи сиёсат воситаси” чиқиндиларни янада самаралироқ бошқариш учун меъёрий рағбат яратишга қаратилган.
2024 йил сентябрь ойида халқаро ISO 14024 стандартига мувофиқ “Яшил белги” экологик маркировка тизимини жорий этиш.	Тадқиқот	Асосий ҳисоботда тилга олинган “Яшил белги” тизими атроф-муҳит талабларига риоя этишни рағбатлантириш ва кўрсатиш воситаси сифатида бевосита қўллаб-қувватланади

Хулоса / Таклиф	Манба	Сиёсат ва амалиёт учун оқибатлар
Яшил инфратузилмани (эко-уйлар, глемпинг ва бошқаларни) ривожлантириш мақсадида 200 миллион АҚШ доллари миқдорида туризм соҳасига мўлжалланган кредит линиясини ҳамда туроператорлар учун имтиёзли ставкаларда 50 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини ташкил этиш.	Тадқиқот, Н. Рахимов, ОТБ	Асосий ҳисоботда муҳокама қилинган “субсидия дастурлари” ва “яшил молиялаштириш” мавзулари бўйича далиллар, булар айланма иқтисодиётга хусусий сармояларни жалб қилиш хавфини камайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга
‘Миллий қонунчиликда туризмнинг муқобил турлари (масалан, агротуризм) аниқ таърифланмаганлиги сабабли, уларга йўналтирилган қўллаб-қувватлаш ва самарадорликни баҳолаш имкониятлари чекланиб қолмоқда.	Ишчи гуруҳ хулосаси	Асосий ҳисоботда аниқланган “ҳуқуқий ноаниқликлар” муаммосини ва “Муқобил туризмни қонунчиликка киритиш” зарурлигини тўғридан-тўғри тасдиқловчи маълумотларни ўз ичига олади

4-мавзу. Таълим, салоҳиятни ошириш ва мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тақчиллиги

Айланма туризм иқтисодиёти талаб қиладиган кўникмалар билан бугунги кунда таклиф этилаётган таълим ўртасида сезиларли тафовут мавжуд.

Хулоса / Таклиф	Манба	Сиёсат ва амалиёт учун оқибатлар
‘Дуал таълим тизими иш берувчиларнинг қизиқиши етарли эмаслиги туфайли самарали жорий этилмапти, шунингдек, амалий таълим масаласи ҳам муаммо бўлиб қолмоқда. Тегишли малака, тайёргарлик ва тажрибага эга бўлган ходимлар етишмовчилиги кузатилмоқда.’	Меҳмондўстлик уюшмаси анжумани яқунлари	Асосий ҳисоботда таъкидланганидек, “кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича мавжуд бўшлиқ” ва “таълим дастурлари билан саноат эҳтиёжлари ўртасидаги номутаносиблик” ҳақида аниқ ва равшан баёнот
‘Келгуси ўн йил давомида Уюшма таълим дастурларини кенгайтириш, янги экологик меъёрларни жорий этиш ҳамда инновацион айланма иқтисодиёт ечимларини рағбатлантириш режаларини амалга оширмоқчи.’	Умед Бурхонов, СВТ Уюшмаси	Таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича асосий ҳисоботнинг тавсияларига мувофиқ, салоҳиятни ошириш келгуси ривожланишнинг устувор йўналиши сифатида тан олинаётганини кўрсатади.
Ишчи гуруҳ ўқув дастурларини замонавийлаштириш мақсадида хусусий сектор эҳтиёжларига асосланган ҳолда туризм касблари учун минимал малака талабларини жорий этишни тавсия қилди.	Ишчи гуруҳ хулосаси	Асосий ҳисоботдаги “Малака стандартларини ишлаб чиқиш” чақириғини қўллаб-қувватловчи, манфаатдор томонлар томонидан ишлаб чиқилган, кўникмалар бўшлиғини бартараф этишга қаратилган аниқ таклиф тақдим этилади

5-мавзу. Ҳамкорлик ва кўп томонлама манфаатдорларнинг жалб этилиши

Доиравий моделга самарали ўтиш учун ҳукумат, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти ўртасида мувофиқлаштирилган ҳаракатлар зарур.

Хулоса / Таклиф	Манба	Сиёсат ва амалиёт учун оқибатлар
‘Экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида бизнес ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайди.	Шахноза Бўрибоева, Виндхем Гарден Зомин	Асосий ҳисоботда таъкидланганидек, келажакда кутилаётган йўналиш ва ҳозирги кунда яқинроқ ҳамкорликка бўлган эҳтиёжни кўрсатади.
‘Барча лойиҳаларимизда биз, албатта, ҳукумат, бизнес ва маҳаллий жамоалар билан ҳамкорлик қилишга интиламиз. Бу ҳамкорлик стратегиялар ишлаб чиқиш, тренинглар ўтказиш, синов лойиҳаларини амалга ошириш ва қонунчиликдаги ўзгаришларни рағбатлантириш орқали амалга оширилади.	Алексей Свитлицкий, “Эко мактаб”	Асосий ҳисоботда хулоса қилинганидек, муваффақиятли ўтиш жараёни учун зарур бўлган “кўп томонлама манфаатдор шахслар ҳамкорлиги” моделининг ёрқин намунаси
‘Ёшлар ишлари агентлиги, Экология вазирлиги, Сув таъминоти бошқармаси ва университетлар билан меморандумларим мавжуд.’	Наргиза Қосимова, EcologUz ННТ	Асосий ҳисоботнинг сиёсат қисмида тавсия этилганидек, тармоқлараро ҳамкорлик учун мавжуд бўлган ва ривожлантириш мумкин бўлган тузилмаларни кўрсатади

6-мавзу. Келажак истиқболлари ва кутилаётган йўналишлар

Манфаатдор томонлар барқарорликка асосланган ҳолда экотуризм, гастрономия ва технологик инновациялар томон ўзгариш бўлишини кутмоқдалар.

Хулоса / Таклиф	Манба	Сиёсат ва амалиёт учун оқибатлар
‘Келажакдаги тенденциялар, эҳтимол, осонроқ қайта ишланадиган ва таъмирланадиган экологик лойиҳаланган материаллар ва товарлар; шунингдек, анъанавий материаллар ўрнига биоматериаллар ёки чиқиндилардан олинган маҳсулотларнинг кенг қўлланилиши бўлиши мумкин.’	Тазабай Ўтиулиев, Aral Sea Discovery	Асосий ҳисоботнинг “биоматериаллардан кенг фойдаланиш” ва “туризм инфратузилмасида экологик дизайн” бўйича кутилмаларига тўла мувофиқ келади
‘Экотуризмнинг оммалашиб бориши: тобора кўпроқ одамлар табиат ва маданиятни ўрганишга қаратилган саёҳатларни танламоқда ҳамда атроф-муҳитни асраш учун маълум қулайликлардан воз кечишга тайёр бўлмоқда.’	Шахноза Бўрибоева, Виндхем Гарден Зомин	Асосий ҳисоботда башорат қилинган “экотуризм соҳасининг сезиларли даражада ривожланиши”ни қўллаб-қувватлайди
‘Чиқиндиларни камайтириш, энергия тежаш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича янги технологияларни ривожлантириш	Шахноза Бўрибоева, Виндхем Гарден Зомин	Технологик инновациялар ечимнинг асосий қисми бўлишини саноат кутаётгани кўрсатилган, бу эса асосий ҳисоботнинг рақамлаштириш ва яшил инфратузилма бўйича тавсияларини шакллантиришга асос бўлмоқда.



switchasia



**Funded by
the European Union**



www.switch-asia.eu



EU SWITCH-Asia Programme
@EUSWITCHAsia



SWITCH-Asia
@SWITCHAsia



SWITCH-Asia Official
@switch-asia-official